F.70596

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 1 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 31 (6728)

Даъват

Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юрутса, мақсудига тинч ва роҳатда бориб етар. Ҳамиша саодатда яшар.

Абдулла АВЛОНИЙ

Ибрат

Пахтачи туманидаги 16-ўрта мактабда «Парвоз» ашулачилар рақс дастаси тузилган эди. Мактаб туманда ўтадиган тадбирларда шартнома асосида концерт бермоқда. «Парвоз» туфайли мактаб газнасига 5 минг тўрт юз сўм тушди. Бу маблағ эвазига иштирокчи қизлар учун кўйлак, мактабга спорт жиҳозлари сотиб олинди.

Муносабат

ЭЪТИРОФ

Ишончли манбаларнинг гувоҳлик беришича, мустабид тузум даврида бир француз олими Ўзбекистонда етиштириладиган пахта навларини ўрганиш учун республикамизга ташриф буюради. Пахта пайкаллари орасида ўз юмуши билан андармон бўлиб юрган олим баногоҳ, бир сабаб бўлади-ю, Самарқандга келиб қолади. Қадим Мовароуннаҳр пойтахти бўлмиш бул маконда Амир Темур ва темурийлар томонидан бунёд этилган иморатларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайди. «Ажаб, — ўйлайди олим. — «Темур ундоқ», «Темур бундоқ» деб ёмонлашади. Наҳотки ёмон одам ушмундай гўзалликларга асос сола билса?». Ушбу ҳайрат этагидан тутган олим, пахтачиликка оид тадқиқотлари бир четда қолиб, тарих қаърига шўнғиб кетади. Оқибат, француз ўқувчиларига Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ҳаққоний тасвирланган қатор илмий-тарихий асарлар тақдим этади. Бу олимнинг исм-шарифи — Люсьэн Керен эди.

Алқисса, Амир Темур бобомиз айтади: «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг».

Боболаримиз маданияти, боболаримиз тарихи, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқларимизни истибдод йилларидан омон олиб ўтди, ўзлигини йўқотишига йўл қўймади. Улар довруғи — мамлакатимиз довруғи бўлиб таралди. Ана шундай маданият ва тарих Амир Темур ва унинг авлодларига ҳам хосдир.

Маълумки, бу йил ЮНЕСКО томонидан Амир Темур йили деб эълон қилинган. Яқинда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланди. Бу ерда «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг равнақи» мавзуида кўргазма намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21—24 апрель кунлари Франция Республикасига қилган ташрифи чоғида, Франция Президенти Жак Ширак ва ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор ҳамкорлигида мазкур кўргазма экспонатлари билан танишди, жаҳонгир бобомизга бағишланган тантаналарда иштирок этди. Франция Президенти Жак Ширак жанобларининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Амир Темурнинг 1402 йили Франция қироли Карл VI га ёзган мактуби нусхасини топширгани Соҳибқироннинг 660 йиллигига муносиб туҳфа бўлди. Ислом Каримов шу маросимда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга ошириш борасидаги буюк хизматлари учун Ф. Майорга Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» орденини топширди. Биз юқорида номини эслаган францияли машҳур олим Люсьэн Керен эса Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига, темурийлар даврига бағишланган кўп йиллик тадқиқотлари, Ўзбекистон ва Франция халқлари маданиятларини ўзаро яқинлаштириш борасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 149-сессисининг ялпи мажлисида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: «Биз ЮНЕСКО Ўзбекистонга бераётган эътибор учун жуда миннатдормиз. Бу илдизлари асрлар қаърига туташган, уч минг йилликдан кўҳнароқ тарихимизга бўлган эҳтиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкамизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқишни кўрамиз. Ниҳоят, бу — ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир».

И. БЎРИБОЕВ.



— Вуй, ана дадамлар ишдан келяптилар. Ҳозир синглим иккаламизни опичлаб оладилар. Дадамлар-чи, менинг кулиб туришимни росаям яхши кўрадилар. У кишининг айтишларича, тишим кемшик бўлсаям, бахтим бутун бўларкан. Чунки, катталар мен ва ўртоқларимнинг соғ-омон униб-ўсишимиз учун ҳаракат қилишаётган экан. Давлатимизнинг келажагини ҳам-чи, жуда буюк дейдилар!..

Ана, ана дадам кирдилар. Ассалому алайку-ум!

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

БУГУННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқ таълимининг бугунги кундаги энг долзарб вазифалари муҳокама қилинди.

Биринчи масала «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепциясидаги ғояларнинг амалга оширилиши ҳамда мазкур фаолиятни яхшилаш йўллари ҳақида» Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси бошлиғи Р. Аҳлиддиновнинг Андижон вилояти мисолида таҳлилий ахбороти эшитилди.

Мавжуд аҳволнинг анкета сўрови натижалари орқали қилинган таҳлили эришилаётган ютуқлар ҳамда ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаб берди, — деди ахборотчи. — Сўралган битирувчиларнинг кўпчилиги (88,3 фоизи) ўқишни мактабда ёки республика олий ўқув юртларида давом эттириш истагини билдирганлар. Амалда ҳам бу кўрсаткичлар ўз исботини топган. Ўтган йили Андижон вилоятида мактабни битирган йигит-қизларнинг 38 фоизи олий ўқув юртларига киришган. 9-синфни битирганларнинг эса 75 фоизи мактабда ўқишни давом эттиришган ёки бошқа ўқув муассасаларига кириб ўқишмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълим ва тарбияни янги тартибда ташкил қилиш учун 1993 йил январь ойида Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган синфдан ва мактабдан ташқари ишлар Концепциясининг аҳамияти катта бўлди.

Андижон вилоятида Концепция барча таълим муассасаларига етиб борган ва унга асосланиб тадбирлар ишлаб чиқилган. Бунда қатор дастурлар ҳам тузилган бўлиб, уларнинг таъсири сезиларли бўлди. Масалан, «Ўсмир» дастури беш йиллик муддатда амалга оширишга мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларнинг эстетик, ҳуқуқий, жисмоний, ахлоқий ва меҳнат тарбияларини аниқ мақсадга йўналтириш, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишни кўзда тутади. Шунингдек, Андижон шаҳар мудофаа бўлими ва шаҳар ҳокимияти биргаликда «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Қуролли Кучларига ёшларни тайёрлаш» уч йиллик мақсадли дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Бу ишларни бажаришда ўқитувчиларнинг, хусусан, синф раҳбарларининг ўз ўрни бор. Улар орасида «Давлатчилик ва ҳуқуқ асослари» бўйича дарс ўтиш ва ўқувчиларни синфдан ташқари ишларда ҳуқуқий тарбиялаш бўйича Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Амина Омонованинг кўргазмали қуроллар мажмуаси ва унинг ишлаш услуби алоҳида диққатга сазовор. У тайёрлаган кўргазмали қуроллар яна бир муҳокама қилиниб, нашр этишга тавсия қилинди. Андижон вилоятида шунга ўхшаш қатор фойдали ишлар амалга оширилмоқдаки, бунинг натижалари ҳаётда акс-садо бермоқда.

Шунингдек, Концепция юзасидан қатор фикрлар ҳам айтилиб, уни янада мукаммаллаштириш таклифлари ўртага ташланди. Бунда синф раҳбарлари, ташкилотчи ва етакчилар тарбиявий ишлар муаммоларини қамраб олган илмий ишланмалар, методик қўлланмалар, тавсияномалар билан таъминлаш ва бошқа камчиликларни ҳам бартараф этиш таъкидланди.

Ҳайъат мажлисига қўйилган иккинчи масала «Жиззах вилояти ўқув муассасаларида компьютерлардан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисида» бўлиб, унда ҳам тўпланиб қолган муаммолар муҳокама этилди, камчилик ва уларнинг ечими ҳам кўрсатиб берилди. «Навоий вилоятида педагог кадрларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жалб этиш тўғрисида»ги вазирликнинг 1995 йил 17 февраль 2/3 сонли ҳайъат қарорининг бажарилиши ҳақида»ги масала ҳам кенг муҳокама қилинди.

Ҳайъат йиғилишида ўқувчиларнинг фанлар бўйича олимпиада якунлари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда кўрилган бирча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

МУСТАҚИЛЛИККА БАҒИШЛАНГАН БЕЛЛАШУВ

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани маорифчиларининг «Йил ўқитувчиси-96» кўрик-танлови устозларни улуғловчи шеърий сатрлар билан бошланди. Унда туман мактабларидан саралаб олинган фидойи муаллимлар ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танлов иштирокчиларига «Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати ҳақида нималарни биласиз?», «Мустақиллик кимга ва нима учун керак?» каби саволлар берилди. Бунда 155-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Наргиза Мирҳабибова билимдонлигини намойиш этиб, беллашув ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Татьяна Дворянова (61-мактаб) ҳамда Галина Зайцева (161-мактаб)ларга насиб этди.

Тадбир якунида туман халқ таълими бўлими мудири Ислом Зокиров ғолибларни табриклаб, уларга махсус ажратилган мукофотларни топширди.

Кидирбой ТЎЛЕБОЕВ.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 апрель куни Японияниинг Сакигаки партияси раиси Масаёши Такемура раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Шу куниёқ Ислом Каримов Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Паул Винфлинни ҳам қабул қилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси тузилди.

❀ Шу йилнинг 7-9 май кунлари Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюради.

❀ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ Андижон вилоятидаги Комсомолобод туманининг номи Улуғнор тумани, Жиззах вилоятидаги Ульянов шаҳрининг номи Даштобод деб ўзгартирилди.

❀ Борис Ельциннинг Қозоғистонга қилган қисқа ташрифининг асосий якунларидан бири бу иккала мамлакатнинг Каспий денгизидан биргаликда фойдаланишга келишиш бўлди.

❀ АҚШ Президенти Клинтон ва мухолифотчи республикачилар Америка Росиядан Чеченистоннинг ажралиб чиқиб кетишидан ҳеч бир манфаатдор эмаслигини ҳамда Чеченистонни Россиянинг ажралмас қисми эканлигини баён этишди.

❀ Жохар Дудаевнинг беваси марҳум эрининг тиригидан, ўлиги кўпроқ Россия учун хавф солади, дея таъкидлади.

❀ Япония Миллий Мудофаа бошқармаси Россия билан ҳарбий технологиялар бўйича ҳамкорлик масалаларига оид консультацияларни бошлашга тайёрлигини билдирди. Японлар руслар-нинг МиГ-29 ва Су-27 қирувчиларига жуда қизиқишмоқда.

Акс садо

УЗУҚ-ЮЛУҚ ТАҚДИРЛАР

«Маърифат» газетасининг шу йил 17 январ сонида босилган «Лоқайдлик ёхуд Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги болалар мусиқа мактаблари муаммолари» мақоласига ўз муносабатимни билдирмоқчиман. Чиндан ҳам унда кўрсатилган муаммолар биз мусиқа мактаблари ўқитувчилари учун айни муддаодир. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, болалар мусиқа ва санъат мактаблари маориф вазирлиги тизимида бўлган даврларда мактабдаги мусиқий- эстетик тарбия жиҳатидан барча педагоглар ҳамнафас эдилар. 1978—80 йилларда Маориф вазирлиги томонидан уюштирилган ва Тошкент, Урганч, Самарқанд шаҳарларида юксак савияда ўтказилган республика мусиқа мактаблари директорларининг семинар-кенгашлари фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги вақтда мусиқа мактаблари ўзининг муаммо, ташвишлари билан «ўз ёғига ўзи қовурилган» ҳолда ишлаб турибди. Мактабларда энг оддий нарсалар: синф журналлари, ўқувчилар табели, ўзбек тилидаги ўқув дастурилари, қўлланмалар, ўзбек тилидаги дарсликлар етарли эмас. Журналларни эса сотиб оламиз. Аслида ўзбек композиторларининг миллий созлар учун яратилган асарлари кўп бўлиши керак, аммо мактабларда бу нарса кам.

Наҳотки, Маданият вазирлигидаги раҳбар ўртоқлар бу аҳволга бефарқ, лоқайдлик билан қараб тураверишса? Бизларни ҳайрон қолдириб, шу пайтгача ҳал бўлмаган бир нарса — Президентимизнинг 1990 йил 13 ноябрь Фармонига асосан барча умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг дарс соатлари 24/18, 16/14 соатга ўтказилди, аммо мусиқа мактабларидаги ўқитувчилар бу имтиёздан бебаҳра қолишди. Ҳозирча ҳам бу муаммо ўз ечимини тошгани йўқ.

Мусиқа асбоблари тўғрисида ҳам икки оғиз сўз айтмоқчиман. Кейинги пайтда нимагадир мусиқа асбоблари, айниқса, миллий созлар камайиб кетди. Борларининг ҳам нархи жуда баланд. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, баъзи мусиқа ва санъат мактабларидаги мавжуд аҳвол янада оғирлашавериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Парда РУСТАМОВ,
Каттақўрғон шаҳар 8-мусиқа мактабининг директори.

Долзарб мавзу

ИМТИҲОН ПАЛЛАСИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Нега илм масканларида синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари бекор қилинди? Нима учун? Битирув имтиҳонлари қандай тартибда ўтади? Янгилик, ўзгаришлар борми? Мухбиримизнинг шу каби саволларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим Бош бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова қуйидагича жавоб берди:

— Ўзбекистон Республикаси ўрта умумтаълим мактаблари ва ҳунар таълими муассасаларида 1995-96 ўқув йили якуни, синфдан-синфга (курсдан-курсга) кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 26 январдаги 1/5 рақамли ҳайъат қарорига мувофиқ жорий йилда синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари ўтказилмайди. Бунда ҳар бир фандан йил давомида ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш мақсадида ўқитувчи томонидан ўтказилган турли назорат ва синов ишлари асосида қўйилган йиллик баҳолар инобатга олинган ҳолда ўқувчилар синфдан-синфга кўчириладилар.

Битирув имтиҳонларини ўтказиш долзарб, айни пайтда, жиддий ишдир. Бу жараён педагогик жамоа фаолияти натижаси бўлиш билан бирга давлат таълим ўлчамлари, ўқув дастурлари нечоғлик бажарилганини ҳам белгилайди.

Халқ таълими вазирлигининг барча турдаги умумтаълим мактабларида битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақидаги буйруқ халқ таълими бўлимларига, барча ўқув муассасаларига етказилган. Унда имтиҳонлар сони ва ўтказиш муддати, шартлари, асосий тамойиллари кўрсатилган.

Кундузги мактабларнинг 9-синфларида — 27 майдан 8 июнгача:

— математика (ёзма) — 30 майда;

— она тили ва адабиёт ёзма (ижодий баён) — 3 июнда;

— Ўзбекистон тарихи (оғзаки);

— жисмоний тарбия;

— Ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитилмайдиган мактабларда) — оғзаки;

— Рус тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда) — оғзаки;

11-синфларида— 27 майдан 15 июнгача:

—Она тили ва адабиёт — ёзма (иншо) 31 май;

— математика — ёзма — 4 июнь;

— физика (оғзаки);

— кимё (оғзаки);

— хорижий тиллар (инглиз, француз, немис) — оғзаки;

— жисмоний тарбия;

— Ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитилмайдиган мактабларда) — оғзаки;

— Рус тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар) — оғзаки.

Кечки (навбатли) умумтаълим мактаблари ва катталар таълими мактабларида:

9 (10, 13, 14) синфларда — 27 майдан 8 июнгача:

— Она тили ва адабиёт — ёзма (ижодий баён) 30 май;

— математика (ёзма) — 3 июнь;

— Ўзбекистон тарихи (оғзаки);

— ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитилмайдиган мактабларда) — оғзаки;

— Рус тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда) — оғзаки;

12 (14)-синфларда — 27 майдан 15 июнгача:

— Математика (ёзма) — 31 май;

— Она тили ва адабиёт — ёзма (иншо) — 4 июнь;

— Физика (оғзаки);

— Кимё (оғзаки);

— Ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитилмайдиган мактабларда) — оғзаки;

— Рус тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда) — оғзаки.

Кўриниб турибдики, бунга умумтаълим мактабларида ўқитиладиган асосий фанларнинг барчаси киритилган.

Халқ таълими вазирлигининг имтиҳонларни ўтказиш ҳақидаги буйруғи чиққандан сўнг синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини бекор қилишга боғлиқ қатор саволлар келиб тушди. Бу хусусда яна бир бор тўхталмоқчиман.

Маълумки, мазкур ўқув йилида фанлар бўйича ярим йиллик ва якуний ёзма синов ишларини киритдик. Билимлар синовининг бу усули педагогик жамоаларда таҳлил қилинади, педкенгашларда чуқур муҳокама этилади, ота-оналар хабардор қилина-ди. Натижалар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида, вилоят халқ таълими бошқармаларида ва Халқ таълими вазирлигида чуқур ўрганилади. Бу нарса ўқувчилар билимини аниқлашга етарли бўлиб, такрор имтиҳон олишга ҳожат қолмайди.

Ундан ташқари, ота-оналар ва ўқувчиларга ташвиш туғдирадиган имтиҳонлар сони кўпайгани, қатор мактабларда синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари номигагина ўтказилиш ҳоллари юз бергани боис бундай кўчириш имтиҳонларини барча педагоглар фикрларига асосланиб бекор қилдик.

Республика Таълим илмий-методика макрази методистлари томонидан тайёрланган битириш имтиҳон билетлари ўқув-методика кенгашларида муҳокама қилинди ва китобча ҳолида нашр қилинди. Улар вилоят халқ таълими бошқармаларига жўнатилган. Яқин кунларда бошқа ташкилот ва вазирликлар тасарруфидаги ўқув муассасалари ҳам бу билетларни олишади.

Энди она тили, адабиёт ва ўзбек тили бўйича ўтказиладиган битириш имтиҳонларига қисқача тўхталмоқчиман.

«Ўзбек мактабларида она

(Давоми 2-бетда)

МММ — ХАБАРЛАРИ

ЙЎҚЛОВ

Яқинда Марҳамат шаҳар ва туман халқ таълим бўлими ҳамда касаба уюшмалари қўмитаси айни пайтда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ педагог фахрийларни ўзаро учрашувга таклиф этди. Туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Турғунов йиғилганларга ўз дил сўзларини изҳор этди. У инсон ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирини доимо йўқлаб туриши, яхши кунларига, айниқса, дўст-бирадарларини, албатта таклиф қилиши маъқуллиги, қолаверса, фахрийларнинг қимматли ўгитларига ёшлар ҳамиша чанқоқ эканлиги ҳақида гапирди.

Хуллас, байрамона безатилган тўкин дастурхон атрофидаги мазкур суҳбат мароқли бўлди.

ДИРЕКТОР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Бувайда туман халқ таълими бўлими ходимлари ажойиб кўрик ўйлаб топишди. Яқинда тумандаги 1-ўрта мактабда мактаб директорларининг билими, раҳбарлик қобилиятлари алоҳида синовдан ўтказилиб, улар қўйилган шартларга кўра компьютер ёрдамида хўжалик юритиш, илмий салоҳият ҳамда ўзларининг компьютер билан ишлаш қобилиятларини намойиш этишди.

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР ВА ПУБЛИЦИСТИКА

Тошкент давлат университетида «Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим, шон-шарафим» мавзуидаги республика кўрик-танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда университетнинг ижодкор талаба ва аспирантлари ўзларининг Ватан ҳақидаги энг яхши шеър ва публицистик мақолалари билан иштирок этишди.

Шеърлар бўйича 1-ўрин журналистика факультети II курс аспиранти Гуландом Тоғаевага насиб этган бўлса, публицистик мақола учун ажратилган ягона ўринга шу факультет 1-курс толиби Абдулазиз Раҳимов лойиқ деб топилди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ЯХШИГА ЁНДАШГАН ЯХШИ

Пахтаобод туманидаги 17-ўрта мактабда волейбол бўйича ўтказилган навбатдаги турнир узоқ йиллар маорифда ишлаган Ф. Раҳимов, Э. Кунназаров, байналминалчи жангчилар Б. Янгибоев, Б. Қамбаровларнинг хотирасига бағишланди. Мусобақада тумандаги барча волейболчи терма жамоалар иштирок этдилар. Ўйғур фуқаролар йиғини жамоаси эса, ҳакамлар томонидан ғолиб деб топилиб, ҳомийларнинг қимматбаҳо совғаларини олиш бахтига мушарраф бўлди.

ЖАЖЖИЛАР ҲАМ АНОЙИ ЭМАС

Поп туманидаги 7-ўрта мактабда боғча билан йўлга қўйилаётган ўзаро ҳамкорлик жуда қўл келяпти. Бунинг натижасида билим масканида йилдан-йилга иқтидорлилар сони тобора ортиб бормоқда. Айниқса, 1-тоифали моҳир педагог Хурсаной Мавлутова раҳбарлик қилаётган бу йилги иқтидорлилар синфи ўқувчилари барчани мамнун қилди. Чунки бу синф ўқув йили бошидаёқ «Алифбе байрами»ни ўтказгандир.

МУАЛЛИФЛАР: Н. ОЧИЛОВ, А. ЭРАЛИЕВ, З. ШАРИПОВ, Н. ҒИЁСОВА, О. ҲАЙИТ.

ИМТИҲОН ПАЛЛАСИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

(Боши 1-бетда).

тилини ўқитиш концепцияси»нинг бош мақсадига кўра она тили машғулотлари таълим олувчида ижодийлик, мустақил фикрлаш малакаларини чуқурлаштириб, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга ва ривожлантиришга қаратилмоғи керак.

Ана шу маънода 9-синф ўқувчиларининг ёзма нутқ малакаларини, имло саводхонлигини, мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини синаш мақсадида ижодий баён ўтказилади. Ижодий баён учун танланган матнларнинг миллий қадриятлар, она - Ватанга муҳаббат, ахлоқ-одоб каби мавзуларда бўлишига алоҳида эътибор берилди.

Бинобарин, жорий йилда «Ота ва она ҳақини билмак зиқрида», «Нозик таъблик зиқрида», «Наврўзнинг жорий этилиши» каби матнлар намуна сифатида тавсия этилди. Жойлардаги мутасаддилар мазкур тавсияларга ижодий ёндашган ҳолда ўқувчилар билим даражаси ва шароитдан келиб чиқиб, баён матнларини танлашлари назарда тутилади.

11-синфда битириш имтиҳонлари иншо тарзида ўтказилади. Имтиҳон амалдаги тартиб-қоидалар асосида, шу соҳада тўпланган тажрибаларга суянган ҳолда ташкил этилади. Иншо мавзулари уч йўналишда, чунончи, мумтоз адабиёт, XX аср адабиёти ва эркин мавзулар бўйича 42 номда тавсия этилди. Иншо мавзуларини танлашда ўқувчиларнинг мумтоз ҳамда замонавий адабиёт бўйича мантиқий фикр юритишларига, адабий таҳлил кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган мақсадлар эътиборга олинди. Эркин мавзулар эса ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар асосида давр талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб танланди. Бунда ўқувчиларда она-Ватан туйғусини сингдирадиган, шеъриятга, табиатга, истиқлолга, авлодлар хотирасига, Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган қатор мавзулар тавсия этилдики, бу мавзуларни ёритиш жараёнида ўқувчилар одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар, минг-минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизнинг у ёки бу жиҳати устида фикр юритишга, мушоҳада қилишга муваффақ бўладилар.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган (рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва қорақалпоқ) мактабларнинг битирувчи 9- ва 11-синфларида давлат тилидан оғзаки имтиҳон ўтказилади. Бунда битирувчиларнинг ўзбек тили бўйича эгаллаган нутқ малакаларини текшириш, уларнинг ўз фикрларини давлат тилида баён қилиш кўникмалари даражасини аниқлаш назарда тутилади. Тавсия этилаётган имтиҳон саволлари ўқувчиларнинг матнни ўзлаштириш ва қайта ҳикоялаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, ўзбек тили грамматикасига оид тушунчаларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, адабий мавзулар бўйича билимларини синаш, ифодали ўқиш малакаларини билиш каби мақсадлардан келиб чиқиб тузилди.

Амалдаги дарслик ва дастурлар бўйича 9- ва 11-синфлар учун 25 тадан билетлар тавсия қилинади. Ҳар битта билетда 3 тадан савол бўлиб, ўқувчининг саволларга жавоб бериш жараёнида ўқитувчи қўшимча саволлар бериши мумкин.

Ўтган йилги Ўзбекистон тарихи бўйича битирув (9-синф учун) имтиҳон билетларидан бу йилги имтиҳон билетларининг фарқи қуйидагиларда кўринади:

а) бир оғиз гап билан жавоб бериш мумкин бўлган саволлар берилмади;

б) ўқувчиларнинг ҳам нутқи, мушоҳадаси, маънавиятимиз мазмунига муносабатини аниқлай оладиган саволлар тузилди;

в) 9-синф Ўзбекистон тарихи дастурини тўла қамраб олишга ҳаракат қилинди;

г) саволлар ихчамлаштириб берилди;

д) саволлар ҳар чиптага учтадан эмас, иккитадан жойлаштирилди;

е) кўпроқ халқнинг ижтимоий аҳволини ифода этадиган саволлар тузилди.

Математикадан битириш имтиҳонлари билет бўйича ёзма равишда ўтказилади. Ҳар иккала синфда ҳам ҳар бир билетга алгебрадан битта назарий савол ҳамда мисол ва масаладан иборат иккита амалий топшириқ, геометриядан эса битта назарий савол ва битта масала киритилган. Математика чуқур ўргатиладиган мактаб (синф)ларда ўз дастурлари бўйича математика методбирлашмасининг қарори билан ҳар бир билетга қўшимча битта алгебрадан, битта геометриядан топшириқ киритишлари керак.

Ҳар бир ўқувчи билетга жавоб ёзишда қўйилган топшириқларнинг айнан талаб қилинаётган жавобини ёзишлари лозим.

Ўқувчиларнинг ёзма ишларини текшириш вақтида алгебрадан алоҳида, геометриядан алоҳида баҳо қўйилади.

1995/96 ўқув йили учун тайёрланган имтиҳон билетларининг шакли, яъни тузилиши ўтган ўқув йилидагига ўхшаш, аммо унинг мазмуни тамомила янгиланган, такомиллаштирилган. Ўтган йилда йўл қўйилган баъзи камчиликларга барҳам берилган, мавҳум савол ва тушунчалар конкретлаштирилган. Бундай усул билан имтиҳон ўтказиш ўтган ўқув йилида тажриба тариқасида биринчи марта ўтказилган эди. Ундан мақсад ўқувчиларни кўпроқ ўқиб ўрганишга, ўз устларида кўпроқ ишлашга кўниктиришдан иборат. Бу нарса ўқитувчилардан ҳам катта меҳнат талаб қилади, яъни ўқувчиларга математиканинг дастур талаби даражасидаги барча қирраларини қамраб олган ҳолда дарс ўтишга, чуқур билим беришга ҳаракат қилишга ўргатади, деб ўйлаймиз. Бунинг устига кўчириб ёзишлар, «шпаргалка»лардан фойдаланишларнинг ҳам олди олинади. Ҳар ким ўзи учун курашади. Ёзма имтиҳон жавобларини текшириш жараёнида эса ўқитувчи кўз ўнгида ҳар бир ўқувчининг ўз меҳнати, ўз тақдири ётади. Бефарқ қарашга ёки ошириб юборишга йўл қўйилмайди.

Чет тилларга бўлган давр талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бу йил биринчи марта умумтаълим мактабларида таълим олаётган битирувчи синф ўқувчилари битириш имтиҳонларини икки усулда топширишлари мумкин. Иккинчи усул имтиҳонлар тест синовлари асосида ўтказиладиган мактабларда тестларни муаллимлар ўтилган мавзулар асосида тузадилар. Тест тузиш вариантлари билетларда кўрсатилган, баҳолаш мезони ҳам тавсия қилинган. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланади: 100-91 балл — «5», 90-81 балл — «4», 80-71 балл — «3». 70 баллдан кам бўлган тақдирда «қониқарсиз» баҳо қўйилади.

Физика фанидан имтиҳонни тест усулида ўтказиш мумкин. Бунинг учун 1995 йилда «Маърифат» газетасида чоп этилган тест саволларидан 300-400 таси танлаб олинади ва ўқувчилар бу саволлар билан таништирилади. 2 соатга мўлжалланган имтиҳонда ўқувчига 50 та савол берилади. Бу саволлар ўша 300-400 саволлар ичидан танлаб олинади ва махфий сақланади. Имтиҳонга кирган ўқувчиларнинг ҳар бирига 50 та савол ёзилган варақ бир вақтда берилади. Тестда берилган саволларнинг ҳар бирига 5 тадан жавоб берилган бўлиб, ўқувчи ўзи тўғри деб ҳисоблаган жавобни жавоб карточкасида белгилайди.

Кимё фани бўйича оригинал дарсликлар нашр этилиши муносабати билан «эквивалентлар» тушунчаси ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти ва ўзбек мутафаккир олимлар ҳақидаги маълумотлар қўшимча тарзида киритилади. Имтиҳон билетларининг умумий сони ушбу маълумотлар ҳисобига 26 та қилиб тасдиқланди.

«Соғлом авлод учун» дастурини амалда қўллаш мақсадида, биринчи марта умумтаълим мактабларининг 4-синфида (таълимнинг биринчи босқичи) ва битирувчи (9- ва 11-) синфларида жисмоний тарбиядан имтиҳон 1996 йилнинг 22 апрелидан 11 майигача ўтказилишини инобатга олиб, мактаб раҳбарияти ва жисмоний тарбия ўқитувчилари имтиҳон ўтказилган синфларда ўқув йилининг охиригача дарс ўтилишини ҳамда давлат дастурини тўлиқ бажаришни таъминлашлари зарурлиги бўйича вилоят халқ таълими бошқармаларига кўрсатмалар берилган.

Ёзма ишларнинг аниқ кунга қўйилиши эса жойларда унинг боришини аниқ назорат қилиш имконини беради, оғзаки имтиҳон кунини эса мактабнинг ўзи белгилайди.

Имтиҳонларнинг бошланиш кунига икки ҳафта қолганда имтиҳонлар жадвали, унга эса қўшимча машғулотларнинг графиги кўрсатиб қўйилиши керак.

Битириш имтиҳонларининг якуни муаллимлар жамоасининг кенгашида атрофлича таҳлил этилиши зарур.

Агар чуқурлаштирилган предмет мактаб йўналиши бўйича бўлса, уни имтиҳонлар тартибига киритиш мумкин. Бу предметга эса қўшимча билет саволлари тузилиши мумкин.

Республикамизнинг қатор мактаб педагогик жамоалари имтиҳонларни компьютерда ўтказишни сўраганлар. Бунга розилик берамиз. Аммо, аввало, уларга РТИММ мутахассислари ёрдами ва консультацияси зарур бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Имтиҳонга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш компаниясида чет эл мамлакатларининг тажрибаси кенг ўрганилган. АҚШ, Японияда зачет тизими кенг қўлланилиб, ўқувчиларни мустақил билим олишга ўргатади. Бу тажрибалар бизда ҳам аста-секин қўлланилмоқда. Имтиҳонларни ташқил қилиш ва ўтказиш тасдиқланган Йўриқнома асосида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш жоизки, бу йилги битирувчилар битириш имтиҳонларидан айрим ҳолатлардагина озод этилади.

Биз республикамизнинг барча ўқув муассасаларида битириш имтиҳонларига ижодий ёндашилади, ўқувчилар баҳоси аниқ ва холисона бўлади, деган умиддамиз.

Барчага омад, аъло натижалар тилайман!

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ
суҳбатлашди.

Лотин алифбосини ўрганамиз



Танзила Муҳиддинова кўп йиллардан буён Чортоқ шаҳридаги 10-мактабда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу суратда ўқитувчи Т. Муҳиддинова қўшимча дарс соатларида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси»дан машғулот ўтказаётган пайт акс этган.

КИРИЛЛДАН ЛОТИНЧАГА

Самарқанд давлат дорилфунунида ўтган ўқув йилида лотин ёзувини жамоатчилик асосида ўқитиш тажриба қилиб кўрилди. Шу мақсадда барча факультетларда биритувчи талабалар учун 60 соатдан дарс ўтиш ҳақида буйруқ чиқарилди. Лотин алифбосини ўқитиш якунланай деб қолди. Келгуси ўқув йилида ўқитувчилар ва техник ходимларни ҳам ўқитиш режалаштирилаяпти. Лотин ёзувини ўқитишга 14 киши қайта тайёрланди, гувоҳномалар берилди.

Биз лотин ёзувида иш кўришнинг яна бир муҳим соҳаси хусусида ўйлай бошладик. Кириллдаги матнни лотин ёзувига ўгириш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Бу ғоянинг юзага келишига сабаб, дорилфунунимиз бош биноси, факультетлар иморати ва ректорат пештоқидаги лотин ёзувларини лотинчада тайёрлаш жараёни билан боғлиқ бўлди. Амалий математика факультетининг ўқув-ҳисоблаш марказида дастлабки қадамлар ташланди. Марказ бошлиғи Алишер Узоқовга кириллча ёзилган матнларни, рисолалар, қўлланмалар ва дарсликларни лотин ёзувига компьютерда ўгириш йўллари ишлаб чиқилса, янгилик бўларди, деган ғоя таклиф этилди. Бу унга маъқул тушди ва ишга киришиб кетди. Ниҳоят изланиш самара берди. Матнни ўгириш жараёнини қайта-қайта синаб кўрдик ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга тўла ишонч ҳосил қилдик. Ушбу ахборотни тайёрлаш жараёнида бир рисола ва ўқув дастуридан матнлар танлаб олиниб, яна бир синовдан ўтказилди. 0,70 бетлик кириллча матн компьютерда ёзиш учун 15—16 дақиқа кифоя бўлди. Уни лотинчага ўгиришга эса 0,30 дақиқача вақт сарфланди, холос. Буни ҳақиқий янгилик, қолаверса, ихтиро деб қабул қилиш керак. Чунки бу биринчи марта амалга оширилмоқда. Сўзсиз, бу жараён амалиётга кучиши лозим.

Матнни ўгириш ҳал қилинди. Лекин ўзбекчада ифодалаш учун ҳарфий белгилар етарли эмас эди. Бу масала ҳам кўп ўйланди ва ечими топилди, яъни компьютер ҳам ўзбекчалаштирилди. Бу ҳам ўқув жараёни ва илмий ишларни бажаришда қўл келадиган ўзига хос янгиликдир.

Шундай қилиб, машаққатли меҳнат, жиддий мулоҳазалар ва изланишларнинг самараси сифатида янгилик пайдо бўлди. Бу жараённи юзага келтиришда ўқув-ҳисоблаш маркази бошлиғи Алишер Узоқов, бўлим мудири Баён Ҳотамовларнинг ҳиссаси катта бўлди. Кириллча матнни лотин ёзувига ўгириш ва компьютерни ўзбекчалаштириш соҳасидаги ҳар иккала янгиликни бирга қабул этиб, рўйхатга олиш ва муаллифлик гувоҳномасига эга бўлиш, ҳеч кимда эътироф уйғотмайди, деб ўйлаймиз.

Назар РАЖАБОВ,
профессор.

АНЖУМАНГА МАРҲАМАТ!

Бугун Тошкент давлат иқтисодиёт университетида халқ таълими муассасаларида лотин алифбосининг ўқитилиши мавзуида илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлайди. Анжуман ташаббускорлари, биринчи галда, иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси, тилшунослик институтларидир.

Мақсад лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини болалар боғча-яслисидан тортиб олий ўқув юрти босқичигача ўргатишни муваффақиятли амалга ошириш бўйича ўзаро фикр алмашиш, таклифлар киритиш, маърузалар ҳавола этиш, йўл-йўриқлар белгилаб олишдан иборат.

60 дан зиёд маърузаларнинг матнлари муҳокамага муштоқ. Олимлар, методистлар, амалиётчилар, компьютер мутахассислари, тарбиячилар, талабалар — хуллас, барча қизиқувчилар бу анжуманнинг иштирокчилари бўлишлари мумкин.

Шўъба йиғилишлари нафақат кузатув, балки янги тажрибаларни ўтказишга, хулосалашга замин яратади.

Анжуман ниҳоясида иқтисодиёт университети лабораторияларидан бирида тест топшириқлари юзасидан қизиқарли, баҳсли тажрибалар намойиш этилади.

Мунозарага марҳамат! Фикрингиз билан ўртоқлашинг! Муҳокамаларда иштирок этсангиз, мушоҳадангизни бойитиб олишга имконият топасиз.

Суннатилла РИЗАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти.

(Анжуман ҳақидаги батафсил тафсилотни газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз).

ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ, ЭКОЛОГИЯ...

Шофиркон туманидаги Ражаббой Холмуродов номли 3-ўрта мактабда «Ўқувчиларга экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий таълим-тарбия беришни ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари»га бағишланган туман миқёсидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тумандаги олтмишга яқин мактаб директорлари, туман халқ таълими бўлими ходимлари ва жамоатчилик вакиллари мактабда замон талаблари асосида юқоридаги янги фанларни ўқитишнинг истиқболдаги аҳамияти хусусида фикрлашдилар.

Анжуман қатнашчилари мактабда янги фанларни ўқитишнинг аҳволи, бозор иқтисодиёти шароитида бу ерда олиб борилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишдилар. Мактабда бу борадаги ишлар намунали ташкил этилганлиги, ўқувчиларнинг замонавий фанларни яхши ўзлаштираётганликлари алоҳида таъкидланди. Айниқса, анжуман иштирокчиларида мактаб компьютер хонаси чуқур таассурот колдирди.

Искандар КАРОМОВ,
ўқитувчи.

Тажриба, синов, натижа

Ўз она тилидан ташқари бошқа тилларни ўрганиш халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Тил билган элни билади, суяди. Ва шунинг орқасидан обрў-эътиборга эришади. Қўшни Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманидаги ўзбек мактабларидан бирида миллий тилдан ташқари қозоқ, рус, инглиз тиллари чуқур ўргатилаётир. Гап шундаки, бу ерда таълим тилларни ўзаро солиштириб ўрганишга асосланган. Яъни қандай?

Қуйида бу ҳақда тажриба учун ташкил қилинган синфнинг раҳбари батафсил ҳикоя қилади. Маъқул келса, ўрганинг ва қўллаб кўринг!

БИР ЙЎЛА ТЎРТ ТИЛ

1995 йил 1 сентябрдан мактабимизда тўртта — ўзбек, қозоқ, рус, инглиз тиллари солиштириб ўргатиладиган тажриба синфи иш бошлади. Бунга 7-синф танлаб олинди. Жанубий Қозоғистон халқ маорифи департаментининг буйруғи билан мактабимизга тажриба майдончаси деб ном берилди.

Тажриба таянч конспектлар (таянч плакатлар) асосида олиб борилади. Таянч плакатлар, аввало, ўзбек тилида тайёрланади. Сўнгра қозоқ, рус, инглиз тили ўқитувчилари ўзбек тилидаги таянч плакатнинг ўша тиллардаги нусхаларини тайёрлашади. Шундай қилиб, тўртта фан ўқитувчилари битта тил ҳодисасининг тўрт тилдаги кўринишини — муштарак томонлари ва фарқларини излаб топадилар. Бу ҳодиса ўқувчига, аввало, ўз она тилида таянч плакат орқали атрофлича тушунтирилади. Сўнгра худди шу мавзу кетма-кет қозоқ, рус, инглиз тили дарсларида такрорланади.

Тажриба синфининг дарс жадвалига она тили, қозоқ тили, рус тили, инглиз тили машғулотлари кетма-кет қўйилган.

Биз ўқув йили бошланишидан олдин тажриба синфи учун тўрттала фан дастурини тузиб чиқдик. Бунда бир мавзунинг тўртта фан дарсларида айни бир пайтда, ўқувчининг она тилидан олган билими ёддан кўтарилиб кетмай туриб, ўрганилишига катта эътибор бердик.

Ҳозирги мактабларда амал қилинаётган дастурларда бир тил ҳодисаси тўрттала фан дарсларида айни бир пайтда ўрганилмайди. Ўзбек тили дарсида ўқувчи, масалан, отнинг нималигини 5-синфда ўрганса, бошқа тилларда худди шу мавзу 5-синфда эмас, бошқа-бошқа синфларда ўрганади. Натижада ўқувчининг она тилида олган маълумоти ёдидан кўтарилиб кетади ва худди шу ҳодисани бошқа синфга ўтганда, бошқа тилда ўрганиши керак.

Қарабсизки, бир мавзу тўртала тилда ўрганилгани ҳолда ўқувчи ўрта мактабни битиргандан сўнг равиш билан ҳолнинг бир-биридан фарқини ажрата олмайди.

Амалдаги дастурларда тил фанлари орасидаги алоқа яхши ҳисобга олинмаганлигини назарда тутиб, биз дастурларимизни бир мавзу (масалан, сўз таркиби) тўртала тил дарсида айни бир пайтда ўргатиладиган қилиб туздик.

Дастуримизнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, одатда, мактабда эътибор берилмайдиган модал сўзлар учун вақт ажратдик. Маълумки, тилшуносликда ва мактабларда ҳам равиш мавзуси феълдан кейин ўрганилади. Олий ўқув юртларида бу мумкиндир, лекин ҳамма ўқувчиси тилчи бўлавермайдиган ўрта мактабда шу тарзда ўргатиш равишнинг ўзлаштирилишини, айниқса, феълнинг функционал шаклларидан бири бўлган равишдошнинг ўрганилишини қийинлаштириб юборади. Сир эмаски, кўпгина ўқитувчиларимизнинг ўзлари феъл функционал шаклларининг бутун хусусиятларини чегаралаб бера олмайди.

Ўрта мактабда равишнинг нималигини билмаган ўқувчига равишдошни ўргата бошлаймиз. Туяни кўрмаган болага туяқушни тушунтириб буладими? Туяқуш туяга ва қушга ўхшайдиган парранда дейишдан олдин болага туянинг нималигини ўргатиш керак. Ана шундан кейингина бола туяқушни тасаввур қила олади.

Биз мана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, равишни феъл билан олдин, сифатга солиштириб (сифат предметнинг, равиш эса ҳаракатнинг белгисини билдиради тарзида) феъл билан бирга ўргата бошладик. Натижа кутилганидан ҳам афзал бўлди.

Ҳозир тажриба ўтказувчи ўқитувчиларимиз бу мавзуларни олий ўқув юртларида ҳам худди шу тарзда ўргатилса, талабаларнинг ўзлаштиришига катта фойда келтирган бўлар эди, биз ўзимиз ҳам институтларда бундай ўрганмаганмиз деб эътироф этмоқдалар.

Келгусида тилларни ўргатишда компьютердан фойдаланамиз деган мақсадда тажриба синфи ўқувчиларига ЭҲМ дарси киритилди.

Тажриба синфи ўқувчилари тўрттала тил дарсларида икки гуруҳга ажратиб ўқитилмоқда. Ўзбек ва қозоқ тили дарсларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш мактаб тарихида биринчи марта қайд этилди.

Биринчи гуруҳга аълочи ва зарбдор ўқувчилар, иккинчи гуруҳга билими паст ўқувчилар олинган. Иккала гуруҳни бир ўқитувчи ўқитади. Бу ҳолнинг эса шундай афзалликлари бор: ўқитувчи иккала гуруҳдаги боланинг ўзлаштиришини яхши билади. Иккинчи гуруҳда дарс енгилроқ ўтилади ва ночор ўқувчилар билан ишлашга кўпроқ эътибор берилади. Бунга ўқитувчининг ҳам имконияти бўлади.

Биринчи гуруҳда бошқалардан орқада қолаётганини сезган ўқувчи дарров иккинчи гуруҳга ўтиб олади ва у ерда кам-кўстини тўлдиргандан сўнг, яна биринчи гуруҳга қайтади. Баъзан иккинчи гуруҳда яхши ўзлаштираётган ўқувчи билимлилар гуруҳига ўтади.

Ҳар бир чорак охирида ўрганилган мавзулар асосида тест синовлари ўтказамиз. Тест саволлари институтларга кириш учун мўлжалланган манбалардан, «Маърифат» газетасидан олинади. Қувонарлиси шундаки, аълочи ўқувчиларимиз тест саволларига хатосиз жавоб беришади.

Бизнинг назаримизда, келгусида мактабларда тилларни солиштириб ўргатиш соҳасида янги уфқлар очилиши керак. Таянч плакатлар ва ўқувчиларнинг ўз она тилида олган билимига суяниб, бошқа тилларни ўрганишнинг умумий ва осон йўллари топилади. Лекин бу борадаги узил-кесил илмий хулосаларни чиқариш ўрта мактаб ўқитувчисининг имкониятларидан ташқаридаги ҳолатдир. Шунинг учун бизнинг тажрибаларимизга тилшунос педагог олимларимиз яқиндан ёрдам беришади, деган умиддамиз.

Фарҳод РАҲИМОВ,
Жанубий Қозоғистон вилояти Туркистон тумани Эски Икон қишлоғидаги А. Яссавий номли ўрта ўзбек мактабининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси, эксперимент муаллифи.

МАРТАБА

Бугуннинг одами

Фарғона вилоятининг Бувайда туманида ташкил этилган «Наргиз» хусусий фирмаси раҳбари Мухторжон Норқўзиевни биринчи бор кўрганимда, тўғриси, унчалик ажабланмадим. У киши ҳам бизга ўхшаган бир одамдир-да, дея хафсаласизроқ назар солдим. Лекин Мухторжон ака билан ўтган ҳар бир дақиқа гўёки бир ширин тушдек туюлавергач, фактлар, бир-биридан ажойиб жонли далиллар кўз ўнгимда шундоқ гавдаланавергач, инсон салоҳиятига ҳақиқатан тан бердим.

— Фирмамиз аслида маиший хизматга ихтисослашган, — дея сўз юритди Мухторжон ака, — ҳозирги кунда 16 та бўлим халқимизга беминнат хизмат қилиш билан банд.

Йўқ. Раҳбар, барибир, асосий гапни айтмади. Бу ҳам бир ўзбекона камтарлик-да! Умуман олиб қараганда, корхона аҳли ҳақиқатан ҳам кўпроқ хайрия ишлари билан шуғулланаркан. Мана, бир мисол. Ҳар йили туман миқёсида бўлиб ўтадиган «Иқбол», «Камолот», «Йил ўқитувчиси» каби танловлар фирманинг ҳисобида туради. Бу ҳам майли. 1995 йилда фирма Сарварбек исмли 6 ёшли йигитчани жигар раки билан касалланганлигидан хабар топиб, ўз ҳомийлигига олди. Унга тезроқ тузалиб кетиши учун 1000 сўм миқдорида нафақа белгилади, дори-дармон билан узлуксиз таъминлаб турди. Ҳатто беморни Тошкент илмий текшириш тиббиёт институтида даволатмоқчи ҳам бўлишди. Афсуски, Яратганнинг хоҳишига иймон келтирмоқдан бўлак чораси йўқ экан инсоннинг. Болани сақлаб қолишнинг сира имкони бўлмади. Лекин ўша нафақа ҳануз ёрдам тариқасида деймизми, Сарварбекнинг ота-онасига бериб турилибди.

Бундан ташқари 1994 йилда тумандаги 2-ўрта мактаб тизимида фирма ҳисобидан битта гимназия синфи ташкил этилган экан. 14 нафар ўқувчи танлов асосида мазкур гуруҳга қабул қилинибди. Муаллимлар ҳам махсус саралаб олиниб, уларга давлат томонидан белгиланган маошга нисбатан 1,5 баравар ортиқ иш ҳақи фирма ҳисобидан тўланаркан. Синф хонасининг жиҳози ҳам бошқаларникидан бутунлай фарқ қилиб, компьютерлаштирилган. Мен эндигина 2-синфда ўқиётган мазкур гуруҳдаги ўқувчиларнинг инглиз тилида бемалол сўзлаша олаётганликларини кўриб, жуда қувондим. Энг асосийси булар ҳам эмас. Чунки болажонларнинг ҳар куни «Наргиз» фирмасига қарашли ресторанда бепул тушлик қилишлари, уларнинг ўқув қуроллари, кийим-кечаклари ҳам фирма ҳисобидан эканлигининг шахсан гувоҳи бўлиб, ҳақиқий саховатга таҳсинлар ўқигим келди беихтиёр.

Мухторжон аканинг саховатига ҳавасим келди-ю, пана-пастқамда у киши ҳақида «хайриячи», дея киноя қилиб юрганлар ҳам борлиги қулоғимга чалиниб қолди. Воажаб, замон ўзгарди-ю, айрим биродарларимиз ҳамон «эски, тўзиган тўн»ларини ечишни истамаётир. Бошқачароқ айтганда, ўзлари бир ишнинг уддасидан чиқа олмайдилару, эплаганларни кўришга тоқатлари йўқ. Ҳаммани ўзларидек бўлишларини исташади. Ўзларининг аҳволлари эса ҳавас қилишга арзимайди.

Начора. Улар минг қилса ҳам эски замон одамлари. Мухторжон ака ва унга ўхшаган маърифатпарвар тадбиркорлар эса, бугуннинг одами. Кечаги кун одами бўлиш осондан-осон. Бугунги кун кишиси бўлиш эса чиндан-да мартаба.

Мартабангиз муборак бўлсин, бугуннинг одами!

Олимжон ҲАЙИТ.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ МАРКАЗ БЎЛСА...

Таклиф

Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ташаббуси билан ташкил этилган «Истиқбол» уюшмаси фаолиятини кўпчилик яхши билади. Уюшманинг дарслик, қўлланма, тавсиялар, мисол ва масалалар ёзадиган муаллифлари — А. Абдуқодиров, Т. Азларов, А. Далиев, С. Тожибоев, Т. Нурмуҳамедов, Б. Каримовлар фаолиятлари таҳсинга лойиқ.

Б. Ж. Болтаев ҳамда М. Р. Маҳкамовлар томонидан мактабларнинг VIII ва IX синфлари учун тавсия этилган дастур ва дарсликлар асосида ёзилган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан масала ва машқлар тўплами»нинг чоп этилиши биз ўқитувчиларни беҳад қувонтирди. Чунки китоб ҳозирги кун талаблари асосида ёзилган. Ундаги масала ва машқларнинг турли соҳалардан олинганлиги ҳамда ҳозирги кунда таълим соҳасига дадил кириб келаётган тест савол-жавоблари асосида тўлдирилиши қўлланманинг таълим соҳасидаги аҳамиятини оширган. Китобдаги ҳар бир янги мавзуга доир масала ва машқлар учун ечиш йўналишларининг кўрсатилиши ўқувчиларнинг мустақил равишда билимларини оширишда уларга кўмак беради.

Бу мауллифларнинг сафдошлари — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти лаборатория мудири Йўлдош Қурбонбоев гуруҳи дастурлари, Пилот мактаблари (директори Лутфулла Йўлдошев)нинг дискетларга жойланган мактаб илмий мудирлари учун «Ўқув жадвали тузиш» ва бошқа кўплаб дастурлари ҳақида ҳам илиқ фикрлар эшитдик. Лекин улар бизгача етиб келмаган.

Сирасини айтганда, ҳар бир туман марказидаги намунали мактаблардан бирида мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этилса, кўпгина муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, компьютер соҳасидаги янгиликлар жойларга қисқа фурсатда тез ва аниқ етказилади.

Алишер ЖУМАНАЗАРОВ,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 57-мактабнинг физика ва ИҲТА фани ўқитувчиси.

Сиртқи дарс

25. СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИЙ

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни Султон Ҳусайн саройининг яна бир ҳунар соҳиби, етук санъаткор Султонали Машҳадий ҳаёти ва ижоди билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда хаттотлик касбига меҳр уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Султонали Машҳадийнинг ҳаёти.
2. Унинг хаттотлик ҳақидаги рисоласи.
3. Хаттотлик санъати.

Султонали Машҳадий бошлиқ Султон Ҳусайн Бойқаро саройи хаттотлари хаттотлик ҳунари ва хатни санъат даражасига етказдилар. Алишер Навоий унинг санъатини юқори қадрлаганлар:

Қиблатул-куттоб, ким дерлар они Султонали,
Ким қазо килки масаллик хомаси ёзмас ғалат.
Қайси қитъамни, ки ёзди, борди ондин шеърлик,
Эл солурлар жузвдонға ўйлаким бир қитъа хат.
(Султонали дейдиганлар котиблар қибласидир,
Қалами Тангри қаламидек хато ёзмагай.
Қайси қитъамни кўчирмасин, у шеърлигини йўқотарди,
Эл уни жузвдон (қути)га санъат асаридек солиб қўярди).

Тадқиқотларда Султонали Машҳадийнинг 1433 йилда туғилган деб ёзилган. Лекин ўзи тўплаган «Мураққайи гулшан» (Теҳронда Шаҳаншоҳ саройи кутубхонасида)даги бир қитъасида:

Маро умри шасту се шуд бешу кам,
Ҳанузам жавонаст мушкин қалам...

яъни, умрим 63 га етди, лекин мушкин қаламим ҳануз ёшдир, деб ёзади, ва 904 ҳижрий йил сафар ойи тарихини қўяди (1498 йил сентябр—октябр). Бундан унинг 1437 йил сентябрида туғилгани аён бўлади. Афғонистон Давлат кутубхонасида сақланаётган Ҳофиз Шерозий «Девон»и нусхасида Султонали Машҳадий: «896 йил рабиуссоний ойининг 20 куни (1491 йил, март) эллик беш ёшимда китобат қилдим», деб ёзиб қўйган. Султонали Машҳадий мадрасада ўқиш билан баробар хат машқ қилади ва етук хаттот сифатида танилади. Мадрасадан кейин у Самарқанд султони Абусаъид (1451—1469) хизматига келади. Мирза Ҳайдар Дуғлот ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида ёзишича, хаттот Жаъфар ибн Али Бойсунқур мирзо учун Низомийнинг «Хамса»сини кўчира бошлайди. Аммо китобат яримлаганда хаттот вафот этади. Абусаъид китобни кўчириб тамомлаш ишини Султонали Машҳадийга топширади. У китобни Жаъфар Бойсунқурий услуби билан эмас, уз услубида кўчиради.

Муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Заҳириддин Азҳар XV асрнинг ўттизинчи йилларида машҳур хаттот ҳисобланиб, Жаъфар Бойсунқурийнинг шогирди эди. У Султонали кўчирган китобнинг бир жузвини кўриб қолиб, мавлоно Жаъфар услубини нега буздинг, деб қойийди ва Султоналини икки кун ҳибсда сақлайди. Кейинчалик унга илтифот кўрсатиб, хаттотликдаги маҳоратини улуғлайди. Султоналидаги худравлик (хаттотликда ўз йўлини тутиши)ни тўғри тушуниб, ўз ҳунарига ижодий ёндошувини маъқул топади. Салтанат тахти Султон Ҳусайн (1469—1506) қўлига ўтгач, Султонали Машҳадий Ҳиротга олиб келинади.

Султонали Машҳадий Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар билан ҳамкорлик қила бошлайди. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да ёзади: «Мавлоно Султонали бутун Хуросонда ва оламнинг аксар билодида насхитаълиқ хатида қиблатул-куттобдур, ва китобат мулкининг қаламрави яккалама анга мусалламдур. Онча ҳамида одоб ва ғўзида атвор била ораста ва пойростадурким, шарҳидин қалам тили ожиз ва ҳусни хулқда назири йўқдур ва таъби доғи хўб воқеъ бўлубтур». Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Султонали Машҳадий ҳақида илиқ гапларни ёзиб қолдирган: «Хушнавислардин агарчи хейли киши бор эди, вале борининг саромади настаълиқда Султонали Машҳадий эди. Мирзо (яъни Султон Ҳусайн) учун ва Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттиз байт Мирзо учун йигирма байт Алишербек учун битир эди».

Султонали Машҳадий Ҳиротнинг фан ва санъат намояндалари билан яқин бўлиб, мажлисларда қатнашиб турарди. Унинг Ҳусайн Бойқаро ўғилларидан бирига ёзган мактуби сақланиб қолган:

«Худовандо, пўшида қолмасин, ким фуқародан Саййид Нажмиддин удий, Шоҳ Дарвеш нойий, Шаҳоб дамкаш, ҳофиз Собир қозоқ, Махдумзодалардан устод мавлоно Ҳожиб мусанниф (бастакор), жаноб Хожа Шодишоҳ, оҳунд мавлоно Яқинийлар билан биргаликда биродарлик йўлини тутувчи мавлоно Ғиёсиддин музаҳҳиб, Ҳожа Абдулло қотеъ (қоғоз қирқувчи), Моҳпора мужаллид, Саййидбобо афшонгар (китоб ҳошияларига олтин ва бошқа ранг пуркаб, нақш берувчи), Шукри Чорторий, бизга мақбуллардан Исорбек нойий, вазирлардан Хожа Уйғур, амирзодалар Қосимбек барлос, Тўфонбек Баҳодирхон, Султонхон Жалойир, маҳбубалардан Ҳурнажод, Шоҳ хонум, Меҳритаъат, Шоҳнавоз Хотун Нагмасарой тўкин дастурхон устидалар ва муборак қадамингиз интизоридирлар. Лутф кўргузиб, биз сари келсангиз. Ушбуни битаётганим чоқда саййидлар пешволари амирлар Шайҳим Суҳайлий, амир Малик Жувайний ва Хуршид хоним Базмаро ташриф буюрдилар. Кўрганингиздек, малак ҳам фалакда анжуманимизга рашк қилгудек. Каминангиз Султонали...».

Султонали Машҳадий кўп нодир китобларни кўчириб улгурди. Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий хазинадаги бу китоблардан элчилар орқали бошқа мамлакатларга совға тарзида жўнатар эдилар. Мирза Ҳайдар ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида: «Бугунги кунда Султонали Машҳадий асарлари шу қадар кўпки, унинг сону саноғига ақлинг бовар қилмайди». Ким у кўчирган китобга эга бўлса, катта бойлик каби фахр этарди. Мазкур китобларнинг бир қисми кашф этилган бўлиб, Туркиянинг Тўпқопу (Истамбул) саройи кутубхонасида Султонали Машҳадий кўчирган Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Ҳусайн Бойқаро «Девон»инининг тўрт нусхаси, Шайх Саъдий девони, Абдураҳмон Жомий ва Орифий асарлари, 470 қитъадан ташкил топган мураққаъ сақланмоқда; Теҳрондаги шоҳ кутубхонасида Умар Хайём рубоийлари, Ҳофиз Шерозийнинг икки девони, Жомийнинг «Туҳфатул-аҳрор» асари икки нусхаси, Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор», Султон Ҳусайн мирзо девони, «Гул ва Мул» рисоласи, Орифийнинг «Тўйу чавгон», 1492 йили кўчирилган Алишер Навоий «Хамса»си, Султонали Машҳадийнинг ўз қитъалари сақланмоқда. Амир Шоҳий Сабзаворийнинг «Девони» Султонали Машҳадий кўчирган нусхалари Теҳрон, Санкт-Петербург, Лейпциг, Истамбул кутубхоналарида сақланмоқда.

Санкт-Пте́рбургдаги Давлат ҳалқ кутубхонасида Султонали Машҳадий кўчирган тўққиз жилд китоб ва 13 қитъа сақланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида унинг беш дастхати мавжуд: Алишер Навоий девонининг уч, Ҳусайнийнинг «Ҳотамнома» ва «Жавоҳирнома», «Тангусқаномайи элхоний» асарлари нусхалари.

Султонали Машҳадий хаттотлик санъати назариётчиси ҳам эди. Унинг хаттотлик ҳақидаги рисоласи мавжуд. У ўз рисоласини умри охирларида, 84 ёшида 1519 йили ёзиб тугатган. У фан тарихида «Қавойиди хутут» («Хатлар қоидалари») номи билан машҳур. Мирали Ҳаравийнинг «Медодул-хутут» асарида Султонали Машҳадий рисоласи «Сиротул-хат» («Хат йўллари») деб тилга олинган.

Султонали Машҳадий рисоласининг бир неча битик нусхалари сақланиб қолган. Улар Тошкент, Теҳрон, Истамбул, Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланади. Сўнгги нусха (454-рақамли) Султонали Машҳадий дастхати ҳисобланади. Рисола 223 байтдан иборат. Унда хатнинг келиб чиқиши ва хаттотлик санъати ҳақида фикр юритилади. Рисоланинг катта илмий ва амалий қиммати шундан иборат, ки унда Султонали Машҳадий ўзининг кўп йиллик хаттотлик санъати тажрибасини баён этса, яна хаттотлик илмида санъаткорнинг ўз санъатига ижодий ёндошувини тарғиб этади.

Дастлабки бобларда у хат ихтирочиларини санаб ўтади.

«Хатлар қоидалари» рисоласининг «Ёшим ва кечирган онларим ҳақида»ги бобида Султонали Машҳадий ўз ҳаётидан сўзлайди. У Машҳадда эканлигидаёқ хаттот сифатида шуҳрат топгани ва кўплаб шогирдлари бўлганини ёзади. Мазкур санъатни фақат машқ қилиш орқали эгаллагани, унинг қоидаларини баён этади. Чиройли ёзув кўзимни равшан қилади, дейди. Қалам танлаш, сиёҳ тайёрлаш усуллари ҳақида гапиради. Масалан, бир дирам (3,12 гр) чироқ дудаси, тўрт дирам самғи араби (олча елими), ярим дирам оқ зож (лок) аралаштирилиб узоқ ийланган.

Хаттот ранг тайёрлашдан ташқари қоғозни танлай билиши, унга охор бериши, муҳра тортиш, силлиқлаш йўлларини ҳам билиши лозим бўлган.

Султонали Машҳадий настаълиқ хати ихтирочиси, унинг таркиби ва тартиби ҳақида тўхтайди. Хаттотликда ҳарфлар таркибига доир саккиз қоида, истилоҳ мавжуд: усул, таркиб, курси, нисбат, сууд, нузул, шамра, ирсол. Усул — қандай хатда ёзилиши, таркиб элементлари, курси — сатрда ҳарфлар тизими, нисбат — сатр чизиғига нисбатан ҳарф қисмларининг жойлашуви, сууд — ҳарфнинг сатр чизиғидан юқори ёзилиш қисми, шамра — ҳарфнинг айлана ёки ёй шаклидаги қисми, гажаги, ирсол — ҳарфнинг сатр чизиғи бўйлаб чўзилиши. Бу сатрни тўлдиришда қўлланган.

Хатнинг чиройли чиқиши учун устодлар хатларини йиғиб, улардан қайси бирида маълум бир ҳарф чиройли ёзилган бўлса, ўшани олгин, деб таълим беради Султонали Машҳадий. Кундуз куни майда ҳарфда, кечаси йириги да машқ қилгин, дейди у.

Алишер Навоий яхши ва ёмон котиблар ҳақида шундай ёзган эдилар: «Котиб шуаро сўзининг варақнигоридир ва сўз махзанининг ,хазинадори... Яхши хат ва нуқтадин сафҳага жамол, андоққи яхши юз сафҳасига хатту хол... Ёмон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун ва қаламдек боши яро ва юзи қаро бўлсун. Байт:

Қайси бир котиб, ки ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шигоф».

Султонали Машҳадий хаттот ўз хатининг гўзал чиқиши, хатосиз ёзиши учун унинг ўзи пок, хушхулқ, тинмай машқ қилмоғи лозимлигини уқтиради ва хаттотнинг ички ва ташқи дунёсини, унинг ахлоқий меъёрини баён этиб беради.

У Камолиддин Беҳзодга бир рубоий бағишлаган:

Фарзанди азизу аржумандам Беҳзод,
Гаҳ-гаҳ гузараш ба ин тараф меуфтод.
У умри манаст аз роҳи сувват, лекин,
Умрест, ки аз манаш намиояд ёд.
(Азизу мўътабар фарзандим Беҳзод,
Гоҳида бу томонга келиб турардинг.
Менинг умрим мазмуни эди бу, лекин,
Кўп бўлди, ки мени ёдга олмади).

Ҳиротни 1510 йили Шоҳ Исмоил Сафавий босиб олгач Султонали Машҳадий ўз юртига кетди. 1520 йил мартида ўша жойда вафот этди. У ўз умри давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Тарихий манбаларда қуйидагилар Султонали Машҳадийнинг шогирдлари сифатида тилга олинган: Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад Абрешимий, Зайниддин Маҳмуд, Аловуддин Ризоий, Мирали Жомий, Муҳаммад Қосим Шодишоҳ, Абдай Нишопурий, Қаландар Котиб, Мир Ҳиббатуллоҳ Кошоний, Рустам Али Хуросоний, Мулла Ғиёсиддин музаҳҳиб, Мулла Муҳаммад Сарвистоний, Султонали Сабз Машҳадий, Мақсудали турк, Жамолиддин Маҳмуд, Шайх Нуриддин Пураний, Абдулвоҳид Машҳадий, Шамсиддин Муҳаммад Кирмоний, Жамшид Муаммоий, Абдуссамад ва бошқалар. Булар Султонали Машҳадий услубини янада тараққий эттириб, настаълиқ хатини бадиий гўзал санъат даражасига кўтардилар.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Соғлом авлод учун

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат Техника университети қошидаги хотин-қизлар техник коллежида Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб «Соғлом авлод учун»—соғлом турмуш тарзи ёш авлодни тарбиялашнинг асосидир» мавзуида илмий амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни Тошкент давлат Техника университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Тўлқин Миркомилов кириш сўзи билан очди. Анжуман иштирокчиларини соғлом авлод вакиллари — Мирзо Улуғбек туманидаги «Камалак» болалар боғчасининг кичкинтойлари табриклашди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Ахрор Ёрқулов «Соғлиқни сақлаш муассасаларида она ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда олиб борилаётган ишлар», «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-экологик муаммолари», «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси раисининг ўринбосари Наима Маҳмудова «Соғлом авлодни тарбиялашда «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг мақсад ва вазифалари», Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ижтимоий масалалар бошқармасининг назоратчи методисти Шоҳида Абдуғаниева «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ялпи ҳал қилиш» мавзуларида маъруза қилдилар.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари «Илк ва мактабгача ёшдаги болалар тарбияси» ҳамда «Мактаб ёшидаги болалар тарбияси» шўъбаларида қатнашдилар. Шўъбалар йиғилишларида ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларининг комплекс масалаларига доир муаммолар, ечимлар ва амалий тажрибалар кенг муҳокама қилинди.

Тадбирни тартибли ва сермазмун ўтказишда мазкур коллеж директори Барно Рашидова бошлиқ жамоа бош-қош бўлди.

Д. ХЎЖАЕВА.
Р. ГАЛИЕВ
олган суратлар.

БИР МАКТАБ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУЛАЙЛИК

Чортоқ туманидаги 31-мактабда пойабзалларни таъмирлаш устахонаси фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, мактабда сартарошхона ҳам ишлаб турибди. Этикдўз Фозилжон Худойназаров ҳамда сартарош Файзулло Асқаров ўқитувчи ва ўқувчиларга арзон нархда сифатли хизмат кўрсатишмоқда. Шу билан бирга улар 5—6 нафар ўқувчига ўз касбларини ўргатишга аҳд қилишган.

ШОИР БЎЛИШСА АЖАБМАС

Шоир Оташ Холмирзаев ўқитувчиликдан нафақага чиққан бўлса-да, мактаб билан алоқасини узмади. У 31- ва 22-ўрта мактабларда жамоатчилик асосида «Ёш қаламкашлар» тўгарагини ташкил қилди. Унда ўндан ортиқ ўғил-қизлар шеърият сирларини ўрганишаётир. Ўқувчилардан Икромжон Солиев, Садоқат Исоқова ва Муборак Нажмиддиновалар-нинг шеърлари матбуотда босила бошлади. Ҳозирги кунларда 9-синф ўқувчиси Икромжон Солиев ўз устози ёрдамида илк китобини нашрга тайёрламоқда.

ТОМОШАГА МАРҲАМАТ

Мактабда ташкил этилган қўғирчоқ театри «артист»лари ҳам асосан 6- ва 7-синф ўқувчилари Муборак Нажмиддинова, Хуршида Мўминова, Соҳиба Маматқосимова, Кимёхон Ёқубовалар ижросида қўйилган «Зумрад ва Қиммат», «Ур тўқмоқ», «Чол ва бўри» спектакллари отаоналар ва ўқувчилар олқишига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда ёш ҳаваскорлар ёзувчи Темурбек Тўрабоевнинг «Шўх хўтикча» ва «Тошхўроз» пьесалари устида ишлашмоқда. Абдуллажон Собиржонова ва Турсунали Турсуновлар уларга раҳбарлик қилишаётир.

Ўрмонжон МЎМИНОВ.

1996 йил — Амир Темур йили

БУЮКЛИК САБОҚЛАРИ

Умумтаълим мактаблари ва бошқа таълим муассасаларида Соҳибқирон Амир Темур таваллудини муносиб нишонлаш мақсадида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан турли хил тадбирлар режаси ишлаб чиқилган эди. Ушбу режага мувофиқ ҳозиргача шаҳардаги 162, 133, 241, 21-мактабларда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган очиқ дарслар, семинар ва конференция дарслари ўтказилиб, ўқувчи ва ўқитувчилар орасида катта қизиқиш уйғотди.

Юнусобод туманидаги 21-мактабда ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Мактабда ўтказилган очиқ дарслар ва илмий-амалий анжуманда Амир Темур давлатида қонунчилик ва Қонуннинг устиворлигига алоҳида эътибор берилди.

***

Шунингдек, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман Юнусобод туманининг 105-мактабида ҳам ўтказилиб, унда пойтахт мактабларининг тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари қатнашдилар.

«Буюк Соҳибқирон» мавзусида ўтказилган ушбу анжуманни тайёрлашда мактабнинг олий тоифали тарих ўқитувчиси Мавлуда Ғафурова хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Ўқитувчилар Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятини, илм-фан ҳомийси сифатидаги буюк хизматларини кўрсатиб бериш билан бирга, унинг даврида суд ва қонунчилик ишларига алоҳида эътибор берилганига диққатни қаратдилар.

Шаҳар мактабларида ўтаётган барча анжуманларнинг мақсади, Амир Темур қолдириб кетган бой маънавий меросни чуқур урганишга қаратилгандир. Унинг меросини қанча урганса, шунча очилмаган қирралари пайдо бўлади. Бу бой маънавий меросни ўқиб-урганиш мустақил юртимизнинг барча фуқароларининг муқаддас бурчидир.

Мукаррам МЎЙДИНОВА,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти методисти.

Касб танлови

БИЛИМ АМАЛДА БИЛИНАДИ

Аввал хабар берганимиздек, Фарғона шаҳридаги моддий асоси бақувват ҳисобланган 1-ҳунар билим юртида республика ҳунар билим юрти талабаларининг токарлик касби бўйича «Энг яхши мутахассис» мавзусида кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан жами 26 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Шуни алоҳида айтиш керакки, мазкур ҳунар масканида кенг қамровли тадбирни муваффақиятли, уюшқоқликда, байрамона руҳда ўтказиш учун барча қулай шароитлар яратиб берилди. Уч кун давом этган танловда талабаларнинг токарлик касби бўйича назарий ва амалий билимлари обдон синаб кўрилди ва адолатли баҳоланди.

Кўрикнинг биринчи куни ўқувчилар ўзлари ийларида мустақил ижодий тайёрлаб келган иш намуналаридан сув насоси вали, қулф, мослама, турли-туман деталлар, асбоб ва ҳоказоларни ҳакамлар ҳайъатига баҳолаш учун тақдим этдилар. Бу жиҳатдан билим юртлари битирувчи ёшларининг қўлларидан дурустгина маҳоратли иш келиши маълум бўлди. Шу куни ташкил этилган викторинада эса улар ўзлари ўйлаб топган кўкрак нишонларининг афзаллик томонларини ҳам қизиқарли тарзда шарҳлаб бердилар.

Танловнинг иккинчи шартида талабалар материалшунослик, махсус технология, чизмачилик, қуймалар ва ўлчамлар ўқув фанлари бўйича 60 та тест саволига жавоб топишга уриниб кўрдилар.

Учинчи босқичда режа дастурига кўра токарлик дастгоҳида мураккаб конуссимон шаклдаги деталлар ясалди.

Иван Арцибасов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари ёшлар билимини баҳолашда ниҳоятда қатъий, холис, ҳалол ва адолатли йўлни тутдилар. Танловда командалар жамғарган баллар ҳисоби бўйича Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Тошкент вилоятидан келганлар икки ва фарғоналиклар учинчи ўринни эгалладилар.

Шахсий баллар ҳисоби учун 1-ўринга битта, 2-ўринга иккита ва 3-ўринга учта фахрли ўрин ажратилди. Кўрик шартларини нисбатан дурустроқ бажаргани учун тошкентлик Юрий Русин ғолибликни қўлга киритди. 2-ўрин эса фарғоналик Тўлқин Парпиев ҳамда Тошкент вилоятидан келган меҳмон Василий Гаврега насиб этди. 3-ўринга андижонлик Зафар Турғунов, самарқандлик Андрей Окарков ҳамда Тошкент вилоятилик Андрей Хохлов лойиқ деб топилди.

Кўрик-танлов ғолибларига, иштирокчилари ва уларнинг мураббийларига Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими Сафарбой Бобожонов эсдалик совғалари, диплом ва Фахрий ёрлиқлар топширди.

Билимлар синови иштирокчилари танлов кунларида шунингдек Фарғонанинг «Нефтчи» ва Жиззахнинг «Суғдиёна» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган футбол мусобақасини, билим юртлари талабаларининг бадиий чиқишларини кўрдилар, қизиқарли кинофильмларни томоша қилдилар. Кенг даврада уюштирилган ўйин-кулгулар, шўх-шаён қўшиқлар меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганда, тадбирга байрамона руҳ омухта бўлди. Талабалар токарлик бўйича нечоғлик билимга эга эканликларини кўрсатиш билан бирга кўнгилли маданий ҳордиқ ҳам чиқардилар. Энг муҳими эса, уларнинг малака ва кўникмалари бир қадар ошди ва ўзаро тажриба алмашдилар.

Агар шу билан ахборот-таҳририй тавсифдаги мақолага якун ясасак, кўрик-танловнинг сип-силлиқ, ҳеч қандай муаммолар сиз ўтгани ҳақида тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Бу ерда баъзи бир муаммолар ҳам юзага чиқиб қолди. Мисол учун, танловда иштирок этган 26 талабанинг қарийб 50 фоизини келажакда миллий кадр ҳисобланадиган ёшлар ташкил этди. Бундан токарликка фақат айрим миллат вакиллари ўқиши керак, деган тор маъноли, чекланган фикр келиб чиқмаслиги керак. Ҳар ҳолда маҳаллий ёшлар ўртасида халқ хўжалигининг зарур тармоғига нисбатан қизиқишнинг камлиги кишида ташвиш уйғотади.

Таналб олинган, мураккаб ҳисобланган 60 та тест саволига эса ҳеч ким тўлиқ жавоб бермади. Бу борадаги энг юқори кўрсаткич 60 ўрнига 39 балл бўлди. Мазкур натижага эришиш ҳам фақат фарғоналиклар-га насиб этди. Тест топшириқлари бўйича ҳатто 60 та саволдан қорақалпоғистонликлар 14 та, сурхондарёликлар 16 та, хоразмликлар 18 та жавоб топа олдилар, холос.

Байрамона ўтган тадбирда хатоликка йўл қўйган, паст баҳо олган томонларнинг манзилгоҳини айтиб ўтиш кўп ҳам ўринли эмасдир. Аммо келажакда сабоқ бўлиши учун айрим ҳақ далилларни асли ҳолича кўрсатишни лозим топдик. Қорақалпоғистонлик, бухоролик, қашқадарёлик ва сурхондарёлик ўқувчилар тест топшириқларини бажаришда ҳатто бир балл ҳам ололмадилар.

Агар Асакада, Хоразмда янги автомобиль ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ишга туширилганини, каттакичик завод-фабрикаларнинг қурилаётгани ва ҳозирда фаолият кўрсатаётганларининг янада кенгаётганини ҳисобга олсак, токарлик касбининг бугунги кунда баралла қад ростлаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг халқ хўжалиги учун нечоғлик зарур эканлиги маълум бўлади. Бу борадаги миллий кадрлар эса асосан ҳунар билим юртларида тайёрланади. Кўрик-танлов натижалари ҳунар масканларида токарлик касбининг паст савияда ўргатилаётганини кўрсатди. Ҳолбуки, мазкур билимлар синовига вилоятлардан яқинда диплом оладиган, 3-разрядга эга бўладиган, саралланган, энг яхши ҳисобланган талабалар келишганди. Демак, кўрик-танловнинг иккита қуйи босқичини ўтказишга ҳам юзаки ёндашилгани сезилиб қолди.

Кўчма маънода айтганда, бўш ҳалқа занжирнинг узилишига сабаб бўлади. Халқ таълимида эса иккинчи даражали ҳисобланадиган бўғинга ҳам, бўш халқага ҳам ўрин умуман йўқдир. Республика ҳунар билим юртларида талабаларга токарлик касби бўйича амалий ва назарий жиҳатдан саёз билимлар берилаётган экан, улар ўзларининг иш натижаларини обдон таҳлил қилиб кўришлари, хулоса чиқаришлари ва фаолиятларида кескин бурилиш ясашлари лозим.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ҚАРИЧ

Оила даврасида

ёки сизлаб гапириш қадриятми?

Бир танишим бор, фарзандларини сизлаб гапиради. Қаттиқ уришиб, дўқ-пуписа қилганини ёки ноўрин қойиганини эшитган эмасман. Қатъий ва эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда сўзлаб қўяди, болаларига эса шунинг ўзи кифоя, отанинг гапини сира икки қилмасдан бажарадилар. Бола шахсини ҳурмат қилишга нисбатан қайтадиган жавобмикан бу?

Тарбияга нозиктаъблик, мулойимлик ва моҳирона ёндашишнинг хосияти нимада экан, дея ўйлаб қоламан. Мулойимлик кўп ҳолларда эркалашдек бўлиб туюлгани боис бола талтайиб кетмаслигига кафолат бериш қийин. Аммо тарбияга дўқ-пуписа билан ёндашишнинг қандай оқибатларга олиб келиши ҳам маълум. Қизиқ, унда нима қилиш керак?

Бу саволга ўша танишим шундай жавоб берди:

— «Сиз»лаб гапириш қадимдан ўзбекона ҳурмат, лутф ифодаси. Бола ўзига нисбатан кўрсатилаётган ҳурматга нисбатан ғайирлик қилмайди ҳеч қачон. Агар сиз фарзандингизни «сен»лаб, ҳадеб танбеҳу дашномлар бераверсангиз, у тажанг, инжиқ, манман бўлиб ўсади. Мен зиёли бўлганим боис болани «сиз»лаб гапириш, урмаслик тарафдориман. Бу билан ҳеч бир ота-она кичик бўлиб қолмайди, аксинча ўзига нисбатан иззат-ҳурмат кўради. Тўғри, оилада болалар қачондир билиб-билмай ножўя ишлар қилиб қўйиши мумкин. Бундай пайтда мен уларни бурчакка тургазиб қўяман, то оёғи оғригунча туради ва хатосини англайди...

«Зиёли» сўзининг луғавий маъносини ул танишим том маъноси билан тушунишига шубҳа қилмайман. Яъни кўпчиликнинг фикрига кўра, «зиё»—нур, ёруғлик, «зиёли» эса маърифатли бўлиш деганидир. Аммо зиёлиларимиз орасида жаҳли чиққанда, ақли қочадиганлари йўқ дейсизми?

Касби ўқитувчи бўлган қўшним ширидан шакар қизларини бўлар-бўлмасга «эшшак», «ҳайвон», «мол», «чучқа», «ит», «жинни» каби ярамас сўзлар билан силтаб-силтаб ташлаганига, туртиб урганига кўп марта гувоҳ бўлганман. Лоақал у «зумраша», «тирмизак» деб қойиса ҳам майли, чидаш мумкин. Аммо «эшак», «ҳайвон» деб уз боласини ердан олиб, ерга солиш маънавиятсизликнинг бир кўриниши эмасмикан?

Гап шундаки, қўшним ҳам зиёли. У билан танишим орасидаги фикрлараро фарқни қарранг. Энг ёмони, қўшнимнинг қизлари ҳам оналаридан «нусха» олган каби айтган сўзларини дарҳол ёқасига ёпиштиришади. «Ўзингиз эшак», «Ўзингиз ҳайвон!»

Тарбия сиз билан биз ўйлагандан кўра мураккаб ва чигалроқдир. Ҳар қадамда унинг бу қадар нозиклигию таъсирчанлигига дуч келганигизда, ўйга толганмисиз? Танишим таклиф қилганидек, болани «сиз»лаб гапириш керакмикан? Ахир ҳар неки бўлганда ҳам, чинакам гўзал хулқдан тарбият кўрган фарзандларимиз вояга етиб, одам қаторига қўшилганларида, уз бурчу вазифаси нимадан иборат эканлигини теран англаб етмасмиканлар?

Аждодларимиз ҳаётига назар солайлик. Мир Алишер Навоийни падари бузруквори ва волидайи муҳтарамаси «сиз»лаб гапирганлар. Соҳибқирон Амир Темурнинг рафиқаси Бибихоним барча неваларини, жумладан, Муҳаммад Тарағайни ҳам «сиз»лаб, ҳурматини жойига қўйган. Йўқ, бу унинг фарзандсизлик туфайли чеккан азиятлари билан мутлақо боғлиқ эмас. Шоҳлар шаҳзодаи-валиаҳдларга яъни ўз болаларига «сиз»лаб мурожаат қилиш ўша даврларнинг энг яхши одатларидан саналган. Шарқона мулозамат ёки манзират эмас, чексиз ҳурматга бу бир ишора бўлганига имон келтирасиз. Катталарнинг кичикларга бу тарзда иззат кўрсатишларида қандай ҳикмат яширин?

Шунақа, саволларнинг адоғи йўқ. Алломаларимиз ўтмишда қолди ва уларга ухшаган улуғ зотлар етишиб чиқмаяпти, дея баҳсу мунозарага бериламиз. Бунинг сабабини тарбиянинг ночорлигидан, «қизил империя» даврида турлича сиёсатларнинг амалга оширилганидан излаш тўғри бўлмасмикан?

Водий вилоятлари — Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон томонларда болани «сиз»лаб гапириш ҳозирда қисман сақланиб қолган. Шунисига ҳам шукр! Қўқонлик педагог, Узбекистон халқ маорифи аълочиси, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Алихонтўра Соғуний номли маҳалла фуқаролар йиғининининг раиси Муҳиддин Жўраев шу анъанага содиқ қолганлардан бўлиб, бунинг моҳиятини шундай изоҳлайди:

— Водийда яшаб ижод қилган шоиру фозил кишилардан маънавий мерос сифатида сақланиб қолган «сиз»лаб гапиришда ҳикмат кўп. Болани мумкин қадар урмаслик, сўкмаслик, дўқ-пуписага ўргатмаслик керак. Иложи борича яхши гап билан йўлга солинса, ёмон бўлмайди. Тарбияни жуда эрта, туғилганданоқ бошлашни донишларимиз бежиз уқдиришмаган.

Тарбия бобида ҳар кимнинг уз қаричи бор. Ана шу қаричнинг улчовлари ҳар хилдир. Биров кенгроқ улчайди, биров торроқ, яна кимдир ўртадан мўлжаллайди.

Фикримиз сизга бир тортиқ, азиз муаллим! Бир чимдимгина мақоладан ўзингизга кераклигини оларсиз.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ОДОБ—ИНСОН ЗИЙНАТИ

Тажрибали педагог-олим Турсунали Қурбонов Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасига раҳбарлик қилишдек масъулиятли вазифани бажариш билан бирга одобнома фанидан чуқур илмий изланишлар ҳам олиб бормоқда. У яратган илмий асарлар, дарсликлар уқув ютларида, мактабларда кенг миқёсда ўрганилянти. Ана шу далиллар ва ўрта умумтаълим мактаблари дастурига «Одобнома» фанининг киритилиши мазкур йўналиш бўйича билимларни мусобақа тавсифида синаб кўришга туртки бўлди.

Ҳозир Фарғона вилоятидаги мактабларда, туманларда ва туман гуруҳлари ўртасида «Одоб — инсон зийнати» мавзусида кўрик-танловлар давом этаяпти. Ана шундай уқувчилар байрамига айланган тадбирлардан бири яқинда Бешариқ туманида шу ерлик уқувчиларнинг «Нафосат» ва дангаралик ўғил-қизларнинг «Аҳийлар» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Болалар бунда миллий урф-одатларимизни, одоб қоидаларини чуқур эгаллаб олганликларини намойиш қилдилар. Айниқса, уларнинг миллий либослари, саҳнада ўзларини эркин тутишлари, қувноқликлари, саволларга берилган тўлақонли жавоблари залда тўпланганларда яхши таассурот қолдирди.

Бу ўзига хос билимлар синовида бешариқлик уқувчиларнинг «Нафосат» командаси ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилди. Мусобақалашган ҳар иккала команданинг ҳам фаол аъзоларига, уларнинг устозларига эсдалик совғалари, фахрий ерлиқлар топширилди.

Вилоят мактабдан ташқари муассасалар маркази томонидан ташкил этилган бу кўрик-танловга Бешариқ «Текстиль» ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилди.

Ўз мухбиримиз.

Рақамлар сеҳри

ЕТТИ АЖДОДИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Аждодлар хотирасини эъзозлаш — халқимизнинг азалий удумларидан бири. Инсон ҳар доим ўтмишининг ёди ва келажагининг орзулари билан яшар экан, ўзидан аввал ўтган ота-боболарининг яхши ишларини, хотираларини фахр билан эслайди. Халқимизнинг аждодлар хотирасини ёдда сақлаш ва эъзозлаш билан боғлиқ анъаналаридан бири «етти ота-бобони» билиш ҳамда ҳурмат қилишдир.

Халқимизнинг удумига кўра, етти пуштини билиш — савоб. Етти аждодни эъзозлаш — ўтганларга эҳтиром, ота-боболар хотирасига таъзимнинг бир кўринишидир. Инқилобдан бурун етти аждоди кимлигини айтиб беролмаслик айб саналган. Зеро, «етти бобони билган эр, етти юртнинг ғамин ер» мақолининг замиридаги ҳаётий ҳақиқат ҳам боболар сиймосига беқиёс ҳурматдир.

Қадим замонларда яшаган аждодларимиз етти ота-бобоси кимлигини жуда яхши билишган. Туркий халқлар тарихига оид Қадимги Шарқ қўлёзмаларини синчиклаб ўрганган таниқли олим Н. В. Кюнернинг ёзишича, VII-VIII асрларда уйғур ҳоқонлари салтанатида етти аждодини эъзозлаш анъанаси кенг расм бўлган экан. Масалан, 756 йилда тахтга ўтирган ябғу қабиласи сардори Инсо Босининг етти аждодини донишмандлар қуйидагича шарҳлашган: биринчиси — хуйхе (яъни уйғур), иккинчиси пугу (яъни буғу), учинчиси — хун, тўртинчиси — баегу, бешинчиси — тунло, олтинчиси — сицзе, еттинчиси — цибиюйдир. Қадимги турларнинг шажара системасидаги «етти аждод» анъанаси тарихий-бадиий ёдномаларда ҳам тез-тез тилга олинади. Ҳатто Тан сулоласининг солномаларида ҳам туркий қавмлар тарихи етти аждод тарихи асосида ёритилади.

Туркий халқларнинг бобоқалонлари етти аждоднинг ҳар бирига алоҳида ном берганлар. Еттинчи аждоддан нариги боболар учун махсус атама қабул қилинмаган. Ўзининг, уруғининг келиб чиқишини, ота ёки она томонидан қариндошлик алоқаларини аниқламоқчи бўлган одамлар бир-бирларининг етти аждодини суриштирганлар.

Ҳатто касб-ҳунар ҳам етти аждоддан мерос бўлиб келади деб ўйлаганлар. Боболарнинг оилавий анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб, оталар иши фарзандлар томонидан давом эттирилади. Шу боис чечанликда донғи кетган бахшиларни «етти пушти шоир ўтган» деб таърифлайдилар. От ёлини тортиб минган чавандозларни эса «ботирлик етти отасидан мерос» деб улуғлайдилар. Курашда кураги ерга тегмаган полвонлар ҳақида гап кетганда «етти орқаси кўрмаган» ибораси ишлатилади. Бу иборадаги «етти орқа» етти аждод маъносидадир.

Ўтмишда боболаримиз тарих ўгиришда, маълум воқеа-ҳодиса, жанг ёки сафар санасини аниқлашда, қон-қариндошлик, мерос, никоҳ муносабатларини ўрнатишда ҳам етти аждодни асосий мезон ҳисоблаганлар. Асрлар бўйи етти ота-бобосини ўртага қўйиб қудалашган қозоқлар удумига кўра қариндошлик ришталари етти аждод бўйича изланади. Боболарининг шажарасини билмаганларни «етти отасин билмаган мурт» деб қойийдилар.

Шажара анъанасига кўра еттинчи аждоддан нариси фарзанд учун бегона ҳисобланган. Тилимизда «етти ёт бегона» ибораси бежиз қўлланилмайди. Чунки қондошлик муносабатидаги қуйи йўналишга кўра маълум киши ўзидан бурун ўтган боболарини етти аждодигача таниган. Етти аждодида умумийлик бўлмаган одамлар бир-бирларига «етти ёт бегона» ҳисобланишган. Халқ қўшиқларида бу ибора мана бундай қўлланилади:

Эшигингдан мен ўтарман,
Етти ётлардан баттар,
Сизнинг қўйган доғларингиз,
Ўлсам юракда кетар.

Отадан кейин давом этувчи фарзанд йўналиши ҳам етти авлодигача қариндош саналган. Хуллас, отадан кейин давом этувчи авлод ҳам еттита: Фарзанд, невара, чевара, эвара, кабира, обора, бегона. Бегонадан туғилган бола «ота» (етти аждоднинг боши) учун қариндош ҳисобланмаган.

Хўш, етти аждод ва етти авлодга эътиқод қўйишнинг тарихий асослари нималардан иборат? Олам ва одамнинг яратилиши тўғрисидаги қадимги турк афсоналари боболар ҳомийлигида сиғиниш ҳақидаги ибтидоий тасаввурлар билан бирлашиб кетган ва асрлар мобайнида эл оғзидан тушмаган «етти аждод» тимсолига асос солган. Олтой тоғлари этакларидан ёзиб олинган ўйрот афсоналаридан бирида ҳикоя қилинишича, ҳали ерда одам боласи яшамаган қадимги даврларда Улган номли олий тангри суяклари қамишдан, эти лойдан бўлган еттита одам ва етти дарахтни яратган эмиш. Дастлабки етти одам ер юзидаги барча инсонларнинг аждоди деб талқин қилинган. Етти аждод ҳақидаги бундай афсонавий қарашлар Узоқ Шарқ ва Сибирда яшовчи кўпгина элатлар орасида кенг тарқалган. Хусусан, тайга сафаридан қайтган ёқут овчиси иши ўнгидан келганига суюниб, дам олиш чоғида овулдошларига ўтмиш воқеаларини, бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб бераётганида ҳамиша етти аждодининг хотирасини ҳурмат билан эсга олиб ўтади.

Маматқул ЖЎРАЕВ.

«ГРАН-ПРИ» СОВРИНДОРЛАРИ

Тошкентда кино-видео-фото бўйича болалар ҳаваскорларининг Марказий Осиё фестивалида наманганлик уқувчилар муваффақиятли қатнашдилар. Улар кино-видео йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаб, Халқ таълими вазирлигининг «Гран-При» совринини қўлга киритишди.

— Фестивалда иштирок этиш ва биринчиликни қўлга киритиш бизга осонликча насиб этгани йўқ, — деди Наманган шаҳар ўқувчилар техник ижодиёти маркази тўгарак раҳбари Мухторжон Жамолов. — Кўп ва ижодий ишлашга тўғри келди. Бу муваффақият вилоятимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида кино ҳаваскорлигига қизиқиш катта эканлигини ҳамда дурустгина тажрибалар тўпланганини кўрсатади. Эндиги мақсадимиз мактабларда ўқитувчилар томонидан яратилаётган янги услубларни, педагогик ютуқларни тасмага тушириш ва ўқувчилар орасида яхшиликка, яратишга, аъло ўқишга ундовчи кўргазмали ташвиқот-тарғиботни янада кенгайтириш кабилардан иборат.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Хуллас...

ЙЎЛОВЧИ ИЛОНЛАР

Гуржистондаги назорат-пропуск пунктларидан бирида маҳаллий полициячилар турк автобусини тўхтатиб, ҳайдовчиларнинг ҳужжатларини текшириб, ўтказиб юборишди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, ўша полициячилардан иккитаси шахсий иши туфайли енгил машинада йўлга чиқди. Иттифоқо, таниш автобуснинг ўрмон четида тўхтаб турган ҳолда кўришди. Бу назоратчиларда шубҳа уйғотди. Ҳайдовчилардан пастки багажларни очишни талаб қилишди. Лекин улар «икки оёқларини бир этикка тиқиб» олишди. Багажни зўрлик билан очишган эди, миршабларнинг ҳайратдан эмас, қўрқувдан оғизлари очилиб қолди. Чунки, багаж заҳарли илонлар билан тўла эди.

ҚАРЗГА ОЛИНГАН СОВҒАЛАР

Татаристоннинг Нижнекамск шаҳрида «Жалил» деб аталувчи охирги кинотеатр ҳам «тантанали равишда» ёпилди. Буни шаҳар кинематографиянинг 100 йиллиги ва Мусо Жалилнинг 90 йиллигига «совға» сифатида тортиқ қилган кўринади.

Маълум бўлишича, бундай «совға»лар қарзга олинаётган экан. Шаҳар кинотармоғининг «Татаркиновидеопрокат»дан қарзи 27 миллион рублга етибди.

САДОҚАТ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Машҳур (ва собиқ) «БИТЛЗ» гуруҳи иштирокчилари Пол Маккартни, Ринго Старр ва Жорж Харристонга Нью-Йоркнинг «ШИ» стадионида 20 дақиқалик концерт бериш ва бунинг учун 500 миллион доллар олишларини таклиф қилишди. Бироқ «уч юлдуз» бу таклифни қатъиян рад этишди.

«БИТЛЗ» гуруҳи, — деди Пол Маккертни шерикларининг ҳам фикрини ифодалаб, — Жон Леннон боқий дунёга сафар қилганидан бери ўз фаолиятини тўхтатган. Биз анъанани бузолмаймиз.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Польшанинг Ламбиновице — Ополе шаҳридаги ҳарбий асирлар Марказий музейи собиқ асирлар хотираларининг танловини эълон қилди. Энг қизиқарлилари осорхона залларидан ўрин олади.

Музей раҳбарлари қарорлар чиқараверишсин. Бироқ, инсоният учун машъум уруш ҳақидаги ҳар бир хотира сабоқ бўлиши керак.

ана шунақа гаплар.



Спорт

КАТТА ФУТБОЛ – МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Дарҳақиқат шундай. Таълим-табиянинг илк ўчоғи мактаб бўлгани каби спортга қизиқиш, хусусан, футболга бўлган орзу-ҳавас ёки биринчи қадам мактаб партасидан бошланади.

Бувайда туманида ҳам болалар футболини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги футбол гуруҳлари кенгайтирилмоқда, мактаб тренерларини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантириш вазифасини туман ҳокимлиги ўз назоратига олмоқда. Бундан кўриниб турибдики, яқин йиллар ичида мамлакатимизга таниш бўлган Фарҳод Эргашевдек ҳамюртларимиз издошлари сафи янада кенгаяди. Яқинда туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган футбол биринчилиги ўтказилди. Унда тумандаги 50 та мактаб ўқувчиларидан иборат командалар қатнашди. Мусобақалар 9 ва 11 йиллик мактаблар ўртасида алоҳида ўтказилди. Шуни таъкидлаш жоизки, туман марказидаги «Пахтакор» ўйингоҳида ўтган ҳар бир учрашув туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Олимжон ака Назаровнинг эътиборидан четда қолмади. Ҳар бир мактаб жамоасининг ўз спорт формасига эга бўлишини таъминлади. Мусобақага келиб-кетиш ва овқатланиш харажатлари ҳам унинг доимо эътиборида турди. Натижада футбол мусобақалари ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтди.

11 йиллик мактаблар ўртасидаги мусобақанинг финал босқичида Янгиқўрғон қишлоғидаги 2-, Жийдали қишлоғининг 5-ўрта мактаб ўқувчилари ўзаро куч синашдилар. Учрашувда 2-мактаб ўқувчилари 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, туман ҳокимлигининг кубоги, пул мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Тўққиз йиллик мактаблар ўртасида эса Найман қишлоғида 44-мактаб ёш чарм тўп усталари зафар қучишди ва бош соврин эгаси бўлишди. 5-мактаб ўқувчиси Бурхониддин Ҳожибоев рақиблар дарвозасига 9 та тўп киритиб, «Энг яхши ҳужумчи» совринини олишга сазовор бўлди.

Зариф ШАРИПОВ.

ЁШЛИК ВА САЛОМАТЛИК БАЙРАМИ

Республикамиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорнинг қабул қилиниши ҳукуматнинг, Президент Ислом Каримовнинг ёш авлод сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлигини яққол тасдиқлайди. Мактабимизда ёшлик ва саломатлик байрами нишонланди. Қишлоқларда Амир Темурнинг 660 йиллиги ҳамда туманимизнинг 70 йиллиги кенг байрам қилинмоқда. Шундай кечаларни нишонлаш, қолаверса, мактабимизнинг 70 йиллик шодиёнасини ўтказиш мактаб маъмурияти, жисмоний тарбия ўқитувчиси Ҳ. Нишоновга улкан вазифа юклади.

Яқинда мактабимизда туман волейболчи жамоалари ўртасида волейбол мусобақаси ўтказилди. Мусобақада туман спорт мактаби, Охунбобоев маҳалла жамоаси, 33-ҳунар-лицейи, 25-ҳунар-техника билим юрти, Янгиқўрғон газ жамоаси ҳамда мактабимиз жамоалари фаол иштирок этдилар. Волейбол мусобақасида жамоалар ва шахсий беллашув ғолиблари ҳамда совриндорлар аниқланди.

Беллашувда Янгиқўрғон газ жамоаси биринчи, спорт мактаби иккинчи, 33-ҳунарлицейи жамоалари эса учинчи ўринни эгаллашди.

С. ФОЗИЛОВ,
Янгиқўрғон туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Расмий бўлим

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ

Педагогика, психология фанлари соҳасида энг яхши илмий мақолаларнинг ўтказилган йиллик танлови кенг жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди. Шу сабабли Халқ таълими вазирлиги бу танловни ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилди. Айни пайтда танлов Низомига кўп сонли илмий ходимларнинг таклифлари асосида баъзи ўзгартишлар ҳам киритилди. Шу йилдан бошлаб танлов қуйидаги Низом асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танлови тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур танлов педагогика, психология фанлари соҳасида илмий иш олиб бораётган ёш истеъдодли олимларни намоён этиш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

2. Танловда Ўзбекистон Республикаси барча олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларининг педагогика ва психология фанларидан илмий ишлар ёзаётган 45 ёшгача бўлган аспирант, докторант ва илмий изланувчилари иштирок этишлари мумкин.

3. Танловга педагогика ва психология фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалар қабул қилинади.

Танловнинг барча масалалари билан боғлиқ бўлган ишлар Халқ таълими вазирлигининг фан бўлими томонидан амалга оширилади.

Бу ерда педагогика ва психология фанлари бўйича эксперт гуруҳлар тузилиб, танловга юборилган ишлар таҳлил қилинади ва I, II, III ўринлар аниқланиб, вазирлик раҳбариятига мукофотлаш учун тавсия этилади.

II. Танлов учун юбориладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар

1. Танловга юбориладиган илмий мақолалар якка тартибда ёзилган бўлиб ҳажми 0,5 босма табоқдан ортмаслиги ва таҳриридан чиқарилган, 1,5 интервалда қора лента орқали машинкада ёзилган бўлиши лозим. Танловга ишнинг 1- ва 2-нусхалари юборилади.

2. Илмий мақола билан бирга, юқоридаги техник талабларга риоя қилинган ҳолда, унинг моҳиятини акс эттирувчи 2 нусхада аннотация ҳам тақдим этилади.

3. Илмий мақола мазмунида қуйидаги жиҳатлар ёритилиши шарт:

— илмий мақолада кўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эканлиги;

— илмий мақолада тажриба-синов майдонларида олиб борилган ишларнинг ёритилиши ва улардан олинган натижалар, илмий хулосалар баён этилиши;

— илмий мақолада хулоса ва натижаларнинг халқ таълими ва халқ хўжалиги учун фойдали томонлари кўрсатилиши;

— тегишли тавсиялар берилиши лозим.

Танловга юбориладиган мақолалар жорий йилнинг 1 ноябригача Халқ таълими вазирлигининг фан бўлимига топширилади ва бу муддатдан сўнг юборилган мақолалар кўриб чиқилмайди.

Танловга юборилган мақолалар, ўрин олиш ёки олмаслигидан қатъи назар ўз эгаларига қайтарилмайди.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари илмий-назарий, илмий-методик ҳамда аспирант ва докторантларнинг илмий конференцияларида эшитилиб, муҳокамадан ўтгандан кейин юборилади.

III. Танлов ғолибларини тақдирлаш

Танлов ғолибларини тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Эксперт гуруҳларининг тавсияларига асосан:

Педагогикадан:
I ўрин учун 3.000 сўм;
II ўрин учун 2.000 сўм;
III ўрин учун 1.000 сўм.
Психологиядан:
I ўрин учун 3.000 сўм;
II ўрин учун 2.000 сўм;
III ўрин учун 1.000 сўм.

Шунингдек, вазирлик тақдирномаси, дипломлари берилади. Танловда совринли ўринни эгаллаган мақолалар тўплам қилиб нашр этилади.

IV. Мақолаларнинг танловини ўтказувчи эксперт гуруҳи таркибини тузиш

1. Танловни ўтказувчи гуруҳга Халқ таълими вазирлиги фан бўлими умумий раҳбарлик қилади ва мавзуларнинг йўналишлари бўйича тегишли мутахассисларни жалб қилиб, эксперт гуруҳини тузади.

2. Эксперт гуруҳи ишида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналларнинг вакиллари иштирок этадилар.

3. Ўз илмий мақолалари билан танловда иштирок этган аспирантларнинг илмий раҳбарлари эксперт гуруҳи аъзоси бўлолмайдилар. Шу сабабли аспирантлар мақолалари аннотациясида ўз илмий раҳбарларини кўрсатишлари лозим.

4. Эксперт гуруҳи аъзолари имкониятга қараб моддий рағбатлантириладилар.

Яқинда пойтахтимизнинг С. Раҳимов туманида «Яшил чироқ —96» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 34 та команда иштирок этди. Мазкур танлов кўча ҳаракатига оид барча белгилар мавжуд майдончаси бўлган 165-мактаб ҳовлисида ўтказилди.

Албатта, бундай қизиқарли тадбирларнинг ўтказиб борилиши ёшларимизга кўча ҳаракати қоидаларини мукаммал ўргатиб боради. Шунинг учун ҳам тумандаги бу соҳада амалга оширилаётган хайрли ишлар жуда қувонарлидир. Танловда 249-мактаб ўқувчилари ғолиб чиқишиб, шаҳар миқёсида бўлиб ўтадиган навбатдаги мусобақада қатнашиш бахтига муяссар бўлишди.

Суратда: танловдан бир лавҳа.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Фарзанд эҳтироми

СИЗДАН ЎРГАНДИМ

Дадажон! Эслайсизми, болалигимда қировли сочларингизга боқиб, нима учун соч оқаради, дея ҳолу жонингизга қўймасдим.

Бугун-чи, бу саволга ўзим ҳаётда, сизнинг машаққатли касбингизни давом эттирганимда жавоб топдим. Энди муаллималик қилаётган кунларим эди. Қиш фасли, совуқ авжида. Ўқувчиларимдан бири Марғуба дарс вақтида бетоб бўлиб қолди. Ўша кунлар тун нима, кун нима — фарқини билмай қолгандим. Фақат Марғубанинг соғайиб кетишини ўйлардим. Худога шукр, Марғуба тез кунларда дарсга қайтди. Тинчландим. Кўнгил бесаранжон бўлиб юрган ўша вақтларда сизни эсладим. Беғубор болалигимнинг ўйинқароқ даврларида мурғак қалбимга муҳрланиб қолган бир воқеа ёдимга тушди:

Биз сизни кутиб-кутиб ухлаб қолибмиз. Онам шўрлик тун бўйи мижжа қоқмабди. Сиз раҳбарлик қилаётган синфингизда ота-онасидан эрта етим қолган Мансур исмли бола бор эди. Келинойиси ва акаси қарамоғида яшар эди у. Мансур қаттиқ бетобланиб қолганда, ўзингиз касалхонага олиб борганингизни, отасизлигидан ўксимасин деб ёнида тунаб қолганингизни, кечалари иссиғи баландлигидан алаҳсираб, бўйнингизга тирмашиб, «Дадажон кетманг, мени ташлаб кетманг», дея ёлвориб йиғлаганларини сўзлаб бергандингиз.

Сизу ҳамкасбларингизнинг касби нақадар шарафли, улуғ касб эканини яна бир бор англаб етдим. 32 йилдан буён мактаб қучоғида, ўғил-қизлар бағридасиз. Мактаб остонасида кутиб олган, сўнгра мустақил ҳаёт йўлига кузатган учирмаларингизнинг сон-саноғи йўқ. Шогирдларингиздан фан номзодлари етишиб чиққанлиги сизни ҳамиша фахр нурига кўмиб юради. Устозга шогирд камолини кўришнинг насиб этилиши ўзи улуғ бахтдир. Бугун мен ҳам касбингиз давомчисиман. Ва муаллимлик заҳматини, машаққатини юрак-юрақдан ҳис этиб, бир нарсага имон келтирдим:

Кексаликнинг белгиси эмас,
Сизнинг бошингизда оппоқ толалар.
Йўқ-йўқ, сизни ҳеч ким кексайган демас,
Уни оқартирган шогирд болалар.
Не ажаб, сиз ёққан илм чироғи,
Минглаб мурғак қалбни зиёга қорса.
Не бахтки, ҳар кимнинг бошида сочи,
Илм деб оқарса, юрт деб оқарса.
Мингта шогирд бўлса, мингта феъл-атвор,
Умр ўтар ҳар бирин ташвишини еб.
Азиз бошингизда ҳар битта тола,
Ким билсин, оқарган, балки бизни деб.

Нилуфар МАҲМУДЖОН қизи.
Балиқчи туманидаги 5-миллий ҳунармандчилик лицейи.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор тумани халқ таълими бўлими ва 90-мактаб жамоаси шу мактаб собиқ тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Матлуба НИШОНОВА вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Маърифат» газетаси жамоаси газета собиқ ходими Тўлқин РАСУЛЕВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САЙИД.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Жўрақул ИСКАНДАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6